Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни янгилаш зарурлиги, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Юқоридаги вазифалар ўз навбатида барча ўқув муассасаларида таълим берувчи педагоглар олдида катта маъсулият юклайди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида дастлабки қадамлар қўйилди. Институт ректорининг 2019 йил 1-

апрелдаги 01-255-сонли ва Тошкент вилояти Ҳалқ таълими бошқармасининг 2019 йил 2-апрелдаги 2-сонли қўшма буйруғида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан Чирчиқ шаҳар ХТБ тасарруфидаги 11- умумий ўрта таълим мактабида 2019-2020 ўқув йили учун “Педагогик таълим инновацион кластери” институтнинг асосий стратегик тадқиқот йўналиши сифатида белгиланиши ва уни амалиётга жорий этиш мақсадида “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси фаолиятини ривожлантириш ҳамда мактаб ўқитувчиларига ўқув-методик кўмаклашиш, ўқувчиларни PISA Халқаро дастурига тайёрлаш мақсадида биология фанларини ўқитиш бўйича “Ташаббускор талабалар” лойиҳаси фаолияти амалга оширилмоқда.

НАТИЖА

“Педагогик таълим инновацион кластери” лойиҳасининг мақсади: педагогик таълим билан бевосита ва билвосита шуғулланувчи муассасаларнинг мақсадли ҳамкорлигини ўрнатиш орқали умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия самарадорлигини оширишга кўмаклашиш; ҳудуднинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини сифатли қондириш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш; ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларни эгаллаш даврини қисқартириш, педагогик таълим соҳасидаги интеграция, инновация, узвийлик, узлуксизлик, изчиллик, самарали ворисийликни таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш; илмий асосланган инновацион лойиҳаларнинг тажриба-синов жараёнларини ташкил қилиш, педагог кадрларни тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта боғланиш имкониятини яратиш; педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари атрофида интеллектуал ресурсларни интеграциялаш; таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ва таълимга татбиқ этиш ҳамда вилоятдаги умумтаълим мактабларини PISA дастурига тайёрлашдан иборат [3 - 6].

МУҲОКАМА

Бизнинг тажрибамизда аввало, мактабдаги мавжуд муаммолар сўровномалар асосида ўрганиб чиқилди. Сўровнома натижалари ва кафедра профессор ўқитувчиларининг мулоҳазалари асосида педагогик таълим инновацион кластери доирасида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Тадқиқот давомида тажриба-синов ишлари 7-синф ўқувчилари билан зоология фани бўйича билимларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш

асосида даставвал тажриба ва назорат синфлари танлаб олинди ва математик ҳисоб-китоб ишлари статистиканинг Стьюдент мезонидан фойдаланиш орқали аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўқувчиларнинг 2019-2020 ўқув йили I чорагидаги эгаллаган билимларининг сифат кўрсаткичлари

Синфлар	Ўқувчилар сони	Сифат кўрсаткичлари	“Аъло”чи ўқувчилар сони	“Яхши” ўқийдиган	“Ўрта” ўқийдиган	“Қониқарсиз” ўқийдиган
7 – “А”	31	58%	2	16	5	8
7 – “Б”	33	57%	1	18	7	7
7 – “В”	33	57%	-	19	6	8
7 – “Г”	34	56%	2	17	5	10

Шунга кўра, 7 – “А” ва 7 – “Б” синф тажриба ва 7 – “В” ва 7 – “Г” синфлари назорат гуруҳи сифатида қабул қилинди. 7 – “А” ва 7 – “Б” синф ўқувчиларига зоология фанини ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш асосида дарс машғулотлари олиб борилди. 7 – “В” ва 7 – “Г” синфларда эса анъанавий қабул қилинган тартибдаги дарс машғулотлари ўтказилди. Синфлар ўртасидаги ўқувчиларнинг билим кўрсаткичлари 59% ва 79% ни ташкил этди. Ўқувчилар билими чорак якуний натижаларига кўра қиёсланди (2-жадвал).


2-жадвал

Ўқувчиларнинг 2019-2020 ўқув йили II чорагидаги сифат кўрсаткичлари

Синфлар	Ўқувчилар сони	Сифат кўрсаткичлари	“Аъло”чи ўқувчилар сони	“Яхши” ўқийдиган	“Ўрта” ўқийдиган	“Қониқарсиз” ўқийдиган
7 – “А”	31	77%	6	18	7	-
7 – “Б”	33	79%	5	21	5	2
7 – “В”	33	62%	1	18	10	4
7 – “Г”	34	59%	-	20	9	5

Ўқувчиларининг билимини ўрганиш юзасидан улар билан олиб борилган тест сўров – топшириқлари ва ёзма иш натижалари чоракларда олинган натижаларни тасдиқлади.

Тажриба синфларининг сифат кўрсаткичлари иккинчи чоракнинг кириш тестида 57 % ва чиқиш тестида 79% га ошганлиги яъни сифат кўрсаткичи 22% га ортганлиги маълум бўлди (1-расм).



1-расм. Кириш ва чиқиш тест натижалари диаграммаси.

ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, эришилган натижалардан кўриниб турибдики, узлуксиз таълим тизимида "Педагогик таълим инновацион кластери" лойиҳаси янги истиқбол ва имкониятларга эришишга замин яратади. Бу эса ўз навбатида фанларни тўлиқ ўзлаштирилиши ва таълимда турли ташкилий шаклларини интеграция қилиш асосида таълим сифатини ошишини, узлуксиз билим олишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. "Халқ сўзи" газетаси 2019 йил 24 август.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил. 6-сон, 70-модда.
3. Хўжамқулов У.Н. Мактаб-лаборатория услубий қўлланма. Чирчиқ. 2019. 90 б.
4. Rakhimov A.K. Improving the methodology for developing students’ natural and scientific worldview (on the example of teaching the subject of “The doctrine of evolution”). International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 02, 2020. ISSN: 1475-7192. P. 1283-1296.
5. Rakhimov A.K. Forming and developing scientific outlook in students in the base of competent approach. // “Science and Society” III International conference. – Hamilton, Canada, 2018. – P. 71–74.
6. Rakhimov A.K. Theoritical Basis for Formation Students’ Natural-Science Outlook // Eastern European Scientific Journal. - Dusseldorf-Germany, 2017. – №4. – P.50-54.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. “Ҳалқ сўзи” газетаси 2019 йил 24 август.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил. 6-сон, 70-модда.
3. Хўжамқулов, У. Н. (2019). *Мактаб лаборатория*. Чирчиқ.
4. Rakhimov, A. K. (2020). Improving the methodology for developing students’ natural and scientific worldview (on the example of teaching the subject of “The doctrine of evolution”). *International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24*(02), 1283-1296.
5. Rakhimov, A. K. (2018). Forming and developing scientific outlook in students in the base of competent approach. *“Science and Society” III International conference*, 71-74.
6. Rakhimov, A. K. (2017). Theoritical Basis for Formation Students’ Natural-Science Outlook. *Eastern European Scientific Journal*, (4), 50-54.

MAKTABLARDA GEOGRAFIYA FANINI O‘QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO‘LLASH

Sherzod Ibroimov
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Tabiiy fanlar fakulteti uslubchisi

Muhayyo Madaminova
Toshkent viloyati Chirchiq shahar 12-umumiy o‘rta ta’lim maktabi geografiya fani o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada umumiy o‘rta ta’lim maktablarida geografiya fanini o‘qitish va uning samaradorligini oshirish uchun foydalaniladigan innovatsion o‘yinlarning ahamiyati haqida ma’lumot beriladi.

Kalit so‘zlar: innovatsiya, didaktik o‘yinlar, metodlar, Markaziy Osiyo

USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES TO INCREASE THE EFFICIENCY OF TEACHING GEOGRAPHY IN SCHOOLS

Sherzod Ibroimov
Methodologist of the Faculty of Natural Sciences,
Chirchik State Pedagogical Institute

Muhayyo Madaminova
Teacher of Geography, School 12,
Chirchik Town, Tashkent Region

ABSTRACT

This article discusses the importance of innovative games used to teach Geography and increase its effectiveness in general secondary schools.

Keywords: innovation, didactic games, methods, Central Asia.

KIRISH

Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida geografiyaning o‘quvchilarga qiziqarli, shu bilan birga qiyin o‘zlashtirilayotgan qismi bu Geosiyosat asoslari bo‘limidir. Geosiyosat asoslari bo‘limi ham uch bobdan iborat bo‘lib, uning har bir mavzusi o‘quvchi uchun qiziqarli, uning hayotiy tajribasiga yaqin va tushunarlidir.

Ushbu bo‘limni o‘qitishda o‘quvchi-talabalarni solishtirish yoki bo‘lmasa, tanqidiy yondashuv asosida tahlil qilishga alohida urg’u berish, bilim va ko‘nikmalarni hosil qilishning eng maqbul usullaridan hisoblanadi.

Solishtirish metodi mohiyatini xitoy olimi X.Shu va N.Chjoular to‘la ochib beradilar: «Agarda millat vaqt o‘qida o‘zining turgan joyini tarixiy yoki “vertikal” solishtirishlar bilan aniqlay olsa shunda u millatlararo yoki “gorizontal” solishtirishlar yordamida dunyodagi o‘z o‘rni to‘g‘risida yaxshiroq tasavvurga ega bo‘ladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

“O‘zbekistonning geosiyosiy o‘rni” mavzusini o‘qitishda o‘quvchilarni faollashtirish va dars samaradorligini oshirish uchun muammoli vaziyatlarni hal qilishga qaratilgan treninglardan foydalanish maqsadga muvofiq hiosoblanadi. Mashg‘ulotga tayyorgarlik ko‘rishning asosiy bosqichi–o‘quv jarayonini loyhalashtirish hisoblanadi. Bu jarayon quyidagi bosqichlarda tashkil etiladi:

- Darsning maqsadi va natijasini belgilash.
- Nazorat topshiriqlari va baholash mezonlarini ishlab chiqish.
- Ta’lim usullarini eng maqbullarini tanlash.
- O‘qitish va o‘qish strategiyasini belgilash.
- Dars turini tanlash va texnologik xaritasini ishlab chiqish.

Dars maqsadi va natijasini belgilash – o‘qitish va o‘qish jarayonlarining eng muhim omili bo‘lib, dars jarayonida aynan ular yetakchi o‘rin tutadi. Darsning maqsad va natijasi DTS talablaridan kelib chiqib aniqlanadi. Demak, biz tanlagan mavzu bo‘yicha treningning maqsadi-o‘quvchilarda ijodiy izlanish, kichik tadqiqotlarni amalga oshirish, muayyan farazlarni ilgari surish, muammoni yechish uchun turli xildagi mavjud vaziyatlarni taxlil qilish, solishtirish, qiyoslash, natijalarni asoslash, ma’lum xulosalarga kelish kabi ko‘nikma va malakalarni shakllantirishdir. Trening ishtirokchilarining rollari va vazifalari:

- O‘qituvchi trening mazmunini, asosiy bosqichlari va ishtirokchilar vazifalari bilan tanishtiradi.
- Ikki raqobatbardosh 6-8 o‘quvchidan iborat guruhlar mavzuga oid qiziqarli savollar bo‘yicha munozaraga kirishadilar. O‘qituvchi o‘yin mazmunini lozim topgan oqimiga yo‘llab, uning a’zolari faolligini ta’minlab turadi.

NATIJA

O‘zbekistonning geosiyosiy o‘rni mavzusi bo‘yicha tashkil etiladigan treningda quyidagi muammoli metod va usullarni qo‘llash tavsiya etiladi:

“Baliq skleti”, “Mantiqiy chalkash zanjir” strategiyasi, “SWOT”taxlili, “Nilufar guli” texnologiyasi, “Skarbey”, “Assesment” texnologiyalari va xakozo. Ushbu metodlar bo‘yicha qisqacha misollar keltiramiz:

“*Baliq skleti*” - talabalarda mavzu yuzasidan muayyan masala mohiyatini tasvirlash va yechish qobiliyatini shakllantiradi. Uni qo‘llashda talabalarda mantiqiy fikrlash- ya’ni O‘zbekistonning tabiiy geografik, iqtisodiy, siyosiy va geosiyosiy o‘rin xususiyatlari, mavzu mohiyatini yorituvchi tayanch tushunchalar - davlat, mamlakat, siyosiy karta, chegara, hudud, quruqlik mili, dengiz mili va x.k, ma’lumotlarni muayyan tizimga keltirish, ularni tahlil qilish ko‘nikmalari rivojlanadi. Ushbu texnologiyani qo‘llash quyidagicha amalga oshiriladi: o‘qituvchi o‘quvchi (talaba)larni usulni qo‘llash sharti bilan tanishtiradi; o‘quvchilar kichik guruhlarga biriktiriladi; guruhlar topshiriqlarni bajaradi; guruhlar o‘z yechimlarini jamoaga taqdim etadi; jamoa guruhlarning yechimlari yuzasidan muhokama uyushtiradi.

“*Mantiqiy chalkash zanjir*” metodi. Ushbu metod Markaziy Osiyodagi geosiyosiy jarayonlar va unda O‘zbekistonning tutgan o‘rni bo‘yicha bildirilgan fikrlar o‘rtasida bog‘liqlikni yuzaga keltirish, ularni mantiqiy jihatdan ketma-ketlikda to‘g‘ri ifodalashga yordam beradi. Uning mohiyatiga o‘qituvchi mavzuni yorituvchi ma’lumotlarni to‘g‘ri va noto‘g‘ri tartibda bayon etadi. Masalan: Markaziy Osiyo davlatlari o‘rtasidagi transchegaraviy daryolar, O‘zbekiston-Turkmaniston o‘rtasidagi *eksklav* (tegishli davlat hududining asosiy qismidan boshqa davlat hududi bilan ajralib turgan yerlar) va ba’zi chegara hududlari, Qozog’iston bilan davlat chegarasida oxiriga yetkazilmagan *delimitatsiya* (chegara chizig‘ini aniqlashtirib, mustahkamlash) ishlari bo‘yicha yuzaga kelgan muammolar birinchi navbatda hal qilinishi lozim bo‘lgan muhim geosiyosiy muammolardan bo‘lib hisoblanadi. Bunda talabalarning vazifasi mantiqiy jihatdan noto‘g‘ri ifodalangan ma’lumotlarni to‘g‘ri dalillarga aylantirish, ya’ni bu chegara hududlari bo‘yicha esa Qozog’iston davlati o‘rnida Tojikiston davlati ekanligini, eksklav shaklga ega O‘zbekiston-Turkmaniston emas, balki Qirg’iziston davlatlari javobida yuzaga kelgan mantiqiy chalkashlikni tuzatish, fikrlarni muayyan ketma-ketlikda to‘g‘ri joylashtirgan holda uzilgan zanjirni “ulash”dan iborat. Mashg‘ulotda strategiyani qo‘llash quyidagi tartibda amalga oshiriladi O‘qituvchi talabalarni strategiyaning mohiyati bilan tanishtiradi. Kichik guruhlarga chalkash ma’lumotlarni o‘zida ifodalagan tarqatmali materiallar beriladi. Topshiriqlarni bajarish uchun vaqt hajmi (5 daqiqa) belgilanadi, kichik guruhtarqatmali materialda ifodalangan matndagi mantiqiy xato va chalkashliklarni aniqlab, uzilgan zanjirni “ulash”ga harakat qiladi.

“*Swot-tahlil*” metodi- Muammoning asosiy to‘rt jihatini yoritishga xizmat qiladi. Bunda hududi yadroviy quroldan xoli bo‘lgan, qo‘shilmaslik siyosatini

qo‘llabquvvatlovchi davlatga aylanishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ygan O‘zbekiston siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilish, iqtisodiy rivojlanishga erishish uchun qator davlatlar bilan yaqin hamkorlikni yo‘lga qo‘yishi sababi mazmuniga mos muammolarni atroflicha o‘rganish orqali mohiyatini yoritadi, ularni keltirib chiqaruvchi omillarni izlab, hal qilish imkoniyatlarini topadi. U yordamida muammoning quyidagi to‘rt jihati tahlil qilinadi:

S- Kuchli (ustun) jihatlari (amalga oshirilayotga xamkorlik bo‘yicha mavjud muammolarning afzalliklarini yoritish);

WKuchsiz (zaif) jihatlari **(**maqsadga erishish yo‘lida tashkil etilayotgan harakatlarga ichki omillarining ta’sirini o‘rganishadi);

O- imkoniyatlarni chamalash (belgilangan vazifalarni hal etishning eng maqbul yo‘llarini izlashadi);

T- Tahdidni o‘rganish **(**maqsadga erishish yo‘lida tashkil etilayotgan harakatlarga tashqi omillarining ta’sirini aniqlashadi). Ushbu metodni qo‘llash muayyan qiyinchiliklarni keltirib chiqarish ehtimoli mavjud. Bunday hollarda o‘qituvchi talabalarning bilimi darajasiga moslab, unga tushunarli so‘zlar bilan ifodalashi (o‘zgartirishi) mumkin. Guruhlarning ishlari o‘qituvchi va jamoa tomonidan muhokama qilinadi O‘qituvchi jamoaning fikriga tayangan holda eng yaxshi ishni e’lon qiladi hamda har bir guruh ishiga bahoberib, mashg‘ulotni yakunlaydi.

MUHOKAMA

“*Qaror qabul qilish*” metodi. Talabalarga ma’lum masalalarni har tomonlama, puxta tahlil etish asosida ular yuzasidan muayyan xulosalarga kelish, muammo yuzasidan bildirilayotgan bir nechta xulosa orasidan eng maqbul hamda to‘g‘risini topishga yo‘naltirilgan texnik yondashuvdir. U avvalgi muammoli vaziyatlar bo‘yicha qo‘llanilgan metodlarda qabul qilingan qarorlarni yana bir bora tahlil qilish, uni mukammal tushunishga xizmat qiladi. Ushbu metodni qo‘llash o‘rganilayotgan muammo yuzasidan oqilona qaror qabul qilish (xulosaga kelish) uchun talabalar tomonidan bildirilayotgan har bir variantni tahlil qilish, maqbul va nomaqbul jihatlarini aniqlash imkoniyatini yaratadi. Unga ko‘ra mashg‘ulotlarda talabalar quyidagi chizma asosida ishlaydi (u yoki bu tartibdagi faoliyatni olib borishda yozuv taxtasidan foydalanadi): umumiy muammo. “O‘zbekistonning geosiyosiy imkoniyatlari”:

1-qaror variant: *Afzalligi*- *Kamchiligi*: O‘zbekistonning geosiyosiy imkoniyatlaridagi ijobiy va salbiy omillari;

2-qaror variant: O‘zbekistonning Markaziy Osiyo mintaqasidagi mavqeini belgilab beruvchi strategik xususiyatlari;

3-qaror variant: O‘zbekistonning mikroiqtisodiy-geografik o‘rni,mezoiqtisodiy geografik o‘rin, makroiqtisodiy geografik o‘rin xususiyatlarida ijobiy va salbiy omillarini taxlil qiladi va o‘z fiklari yuzasida qaror qabul qilishadi.

Agarda barcha guruhlar muammo yuzasidan bir xil qarorga kelingan bo‘lsa, o‘qituvchi buning sababini izohlaydi. Ekspert talabalar munozara ishtirokchilariga baho beradi, guruhga va uning a’zolariga quyidagi meyyorlarga asoslangan holda baho qo‘yadi:

1) Topshiriq javoblarining mantiqiyligi va asoslanganligi;
2) Mazmunan ketma-ketligini, mavzu boyicha tayanch iboralarini egallaganligi;
3) Xulosalarning isbotliligi;
4) Bahs usullaridan rang-barang va samarali foydalana olishi va x.k.

Tanlangan ekspertlar vazifasi quyidagicha bo‘ladi:

✓ Jamoaning g‘alabasini asoslash;
✓ a) eng xushmuomala; b) eng aqlli; c) eng obro‘li; d) eng ijodkorlarini aniqlash.

XULOSA

O‘yin yakunida o‘qituvchi tahlil qilib beradi va yakun yasaydi. Ayniqsa o‘qituvchi o‘yinni borishi, uning muvaffaqiyati va kamchiliklariga urg‘u berishi lozim. Shuningdek, istiqbolda e’tibor berilishi kerak bo‘lgan muvaffaqiyatli, munozarali, ijodiy vaziyatlarni farqlab berishi kerak. Bu o‘yinni darsning ma’ruza qismi tugagandan so‘ng, mavzuni mustahkamlash va o‘quvchilarni baholash uchun darsning so‘ngida qo‘llash maqsadga muvofiq bo‘ladi. Yuqoridagi shu kabi o‘yinlar kelajakda o‘quvchining tafakkurini o‘stirishga hizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi // Ma'rifat, 2017 yil 23 dekabr`.
2. Allayorov R.X., Bo‘ribekov M.F., Xidirov M.SH., Raxmonqulov A.N. O‘zbekiston tog'-vodiy landshaftlarining ekoturistik imkoniyatlari // Geografiya va geografiya ta'limidagi muammolar. Respublika konferentsiya materiallari. – Jizzax: JDPI, 2018. B. 75-77.
3. Allayorov R.X., Xidirov M.SH., Bo‘ribekov M.F. Tangilar ekoturistik ob'ekt va resurs sifatida // Oliy ta'lim tizimida tabiiy fanlar: ilmiy tadqiqot, o‘qitish va malaka

oshirish muammolari. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi. Farg'ona, 2018. B. 162-164.
4. Amanbaeva Z.A. Tog'li hududlar-geoekologik tadqiqotlar markazida // Geografiya fani va ta'limning zamonaviy muammolari. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to‘plami. –T.: TDPU, 2015. B. 34-35.
5. Nizomov A., Amanbaeva Z., Safarova N. O‘zbekistonning ekoturistik resurslari va yo‘nalishlari. – T.: Fan va texnologiya, 2014. 104 b.
6. Qarakulov N.M., Allayorov R.X. ?zbekstanni? tau geoj?yelerindegi ekoturistik m?mkindikter // Geosistemniy podxod k izucheniyu prirodnoy sredi Respubliki Kazaxstan. Materyali Mejdunarodnuyu nauchno-prakticheskuyu konferentsii. Tom II. Astana, 13-14 aprelya 2018. s. 250-252.
7. Xasanov I.A., G'ulomov P.N. O‘zbekiston tabiiy geografiyasi. – T., 2006.
8. Xasanov I.A., G'ulomov P.N., Qayumov A.A. O‘zbekiston tabiiy geografiyasi (2-qism). – T., 2010.
9. Shamuratova N.T. O‘zbekistonda ekologik turizm va uning tabiiy geografik jihatlari. G.f.n. ilmiy darajasini olish uchun taq. et. diss. avt. –T.,2011. 27

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi // Ma'rifat, 2017 yil 23 dekabr`.
2. Allayorov R.X., Bo‘ribekov M.F., Xidirov M.SH., Raxmonqulov A.N. O‘zbekiston tog'-vodiy landshaftlarining ekoturistik imkoniyatlari // Geografiya va geografiya ta'limidagi muammolar. Respublika konferentsiya materiallari. – Jizzax: JDPI, 2018. B. 75-77.
3. Allayorov R.X., Xidirov M.SH., Bo‘ribekov M.F. Tangilar ekoturistik ob'ekt va resurs sifatida // Oliy ta'lim tizimida tabiiy fanlar: ilmiy tadqiqot, o‘qitish va malaka oshirish muammolari. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi. Farg'ona, 2018. B. 162-164.
4. Amanbaeva Z.A. Tog'li hududlar-geoekologik tadqiqotlar markazida // Geografiya fani va ta'limning zamonaviy muammolari. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to‘plami. –T.: TDPU, 2015. B. 34-35.
5. Nizomov A., Amanbaeva Z., Safarova N. O‘zbekistonning ekoturistik resurslari va yo‘nalishlari. – T.: Fan va texnologiya, 2014. 104 b.
6. Qarakulov N.M., Allayorov R.X. ?zbekstanni? tau geoj?yelerindegi ekoturistik m?mkindikter // Geosistemniy podxod k izucheniyu prirodnoy sredi Respubliki

Kazaxstan. Materyali Mejdunarodnuyu nauchno-prakticheskuyu konferentsii. Tom II. Astana, 13-14 aprelya 2018. s. 250-252.
7. Xasanov I.A., G'ulomov P.N. O‘zbekiston tabiiy geografiyasi. – T., 2006.
8. Xasanov I.A., G'ulomov P.N., Qayumov A.A. O‘zbekiston tabiiy geografiyasi (2-qism). – T., 2010.
9. Shamuratova N.T. O‘zbekistonda ekologik turizm va uning tabiiy geografik jihatlari. G.f.n. ilmiy darajasini olish uchun taq. et. diss. avt. –T.,2011. 27

AVTOMOBILSOZLIK SANOATIDA POLIMER VA KOMPOZIT MATERIALLARDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIK KO'RSATGICHLARI

Akmal Azimov
Assistant, Jizzax politexnika instituti
e-mail: akmaldotsent@gmail.com

ANNOTATSIYA

Avtomobilni yoqilg'i sarfini va bu orqali zaharli gazlar miqdorini kamaytirishning asosiy usullaridan biri bu avtomobillarning og'irligini kamaytirishdir. Avtomobillarni vaznini yengillashtirishda polimer va kompozit materiallar qo'llanilmoqda. Polimer va kompozit materiallar po'latga qaraganda mustahkam, yengil va avtomobillarning ekologik xavfini kamaytiruvchi material hisoblanadi. Avtomobilsozlik sanoatida polimer va kompozit materiallarning qo'llanilishi avtomobillarni vaznini kamaytirib yonilg'i tejamkotligini oshiradi, shu bilan birga mustahkam, korroziya, yeyilish, harorat va boshqa atrof muhitning salbiy ta'sirlariga chidamli va avtomobilning atrof muhitga salbiy ta'sirlarini ya'ni shovqin va tebranishlarni so'ndirib, kam chiqindi chiqarish xususiyatlariga ega material hisoblanadi.

Kalit so'zlar: avtomobil, avtomobilsozlik, polimer, kompozit, mustahkam, yengil, zaharli gazlar, yoqilg'i tejamkorligi, ekologik xavfsiz.

EFFICIENCY OF USING POLYMER AND COMPOSITIVE MATERIALS IN THE CAR INDUSTRY

Akmal Azimov
Assistant, Jizzakh Polytechnic Institute
e-mail: akmaldotsent@gmail.com

ABSTRACT

One of the main ways to reduce a car's fuel consumption and thus the amount of toxic gases is to reduce the weight of these cars. Polymer and composite materials are

used to reduce the weight of cars. Polymer and composite materials are stronger, lighter and less environmentally hazardous than steel. The use of polymer and composite materials in the automotive industry increases the fuel economy by reducing the weight of cars, while being durable, resistant to corrosion, decay, temperature and other environmental influences, and the negative impact of the vehicle on the environment i.e. noise and is a material with low emission properties, quenching vibrations.

Keywords: car, automotive, polymer, composite, durable, lightweight, toxic gases, fuel efficient, environmentally friendly.

KIRISH

Biz ilm-fan taraqqiyoti tez sur’at bilan jadallashgan bir zamonda yashamoqdamiz. Hayotimizga dahldor barcha sohalarda yangi ixtirolar, innovatsiyalar va ishlanmalar yaratilmoqda. Ammo biz foydalanayotgan qurilma va texnikalarning ba'zi jihatlari ular paydo bo'lganidan beri deyarli o'zgarmadi. O'tgan asrda bizning hayotimizni o'zgartirgan texnologiyalarning eng yaqqol misolini olaylik: bu - avtomobil. Ko'p jihatdan, bugungi kunda yo'llarda harakatlanuvchi avtomobillar, ilk yaratilgan avtomobillarga qaraganda ko’rinishi, konstruktsiyasi jihatdan tubdan o’zgargan, ammo ularni butlashda qo’llaniladigan materiallar deyarli o’zgarmagan. Ya’ni yo'ldagi barcha avtomobillarning 99,9 foizi po'latdan yasalgan transport vositalaridir. Bu avtomobilni og’ir vaznli bo’lishiga, oqibatda yoqilg’i sarfi ortishiga, bu esa o’z navbatida bugungi kundagi eng dolzarb ekologik muammo bo’lgan atrof-muhitga chiqadigan zaharli gazlar va shovqin (dvigatel shovqini) miqdorining oshishiga sabab bo’lmoqda.

Jahon avtomobilsozlik sanoatining asosiy va uzoq muddatli tendentsiyasi bu avtomobillarning atrof-muhitga zararli ta’sirini kamaytirish va yoqilg'i sarfi samaradorligini oshirishdir [1]. Yoqilg'i sarfini va bu orqali zaharli gazlar miqdorini kamaytirishning asosiy usullaridan biri bu avtomobillarning og'irligini kamaytirishdir. Avtomobillar nazariyasidan ma’lumki, avtomobil vaznini har 10% ga kamayishi, yonilg'i tejamkorligini 5-7 % ga oshishiga olib keladi [2]. Avtomobil massasini kamaytirish nafaqat avtomobilsozlik sanoati oldidagi asosiy maqsad balki butun dunyo ekologik xavfsizligi uchun ham zarurdir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA


Yevropa Ittifoqining Regulation (EU) 2019/631 dasturida ham avtomobillar uchun chiqindi gazlarni kamaytirishning majburiy maqsadlarini qat’iy belgilab qo'ydi

[3]. Bu maqsadga erishishda avtomobil ishlab chiqaruvchilar, avtomobil vaznini kamaytirish ya’ni avtomobil qismlarini yengil va mustahkam materiallardan- alyuminiy, polimer va kompozit materiallardan foydalanib ishlab chiqarishni yo’lga qo’yishmoqda. 2009-yildan boshlab Buyuk Britaniyaning Jaguar Land Rover xolding kompaniyasi o’z avtomobillarini alyuminiy kuzovga o’tkazdi, bu esa avtomobil ekspluatatsiyasining samaradorligini yanada oshirdi.

Avtomobillarni vaznini yengillashtirishda alyuminiydan tashqari polimer materiallar ham qo’llanilmoqda. Polimer materiallar yangi avlod avtomobillari hisoblanayotgan elektromobillarda ham qo’llanilib ularni yanada takomillashtirib, ekspluatatsion xususiyatlarini oshirmoqda [2]. Avtomobil qismlaridagi metall va shisha kabi og'ir materiallarni polimer materialga almashtirish, transport vositalarining og'irligini kamaytiradi, shovqinni so’ndiradi va quvvat tejamkorligini yanada oshiradi. Bundan tashqari polimerlarning boshqa afzalliklarni ham bo’lib, termoplastik va polyolefin polimerlari po'latdan yasalgan bamperlarga qaraganda xavfsiz va yengil hisoblanadi, polikarbonat esa shishali faralarga qaraganda sifatli, mustahkam va zamonaviy hisoblanadi.

Uglerod tolali kompozit materiallar og'irligi po'latning beshdan bir qismga teng, ammo qattiqligi va mustahkamligi jihatidan undan ustunroq va yaxshiroqdir. Ular, po'lat kabi zanglamaydilar va Oak Ridge (National Laboratory) milliy laboratoriyasi(ORNL) ning ma'lumotlariga ko'ra transport vositalarining og'irligini 60 foizgacha kamaytirish orqali transport vositalarining yoqilg'i tejamkorligini sezilarli darajada oshirishi mumkin [4]. Kompozit materiallar yordamida avtomobil og'irlik va qattiqlik xususiyatlari yaxshilanadi, bundan tashqari mustahkam va arzon, shuning uchun bugungi kunda bu- avtomobillar uchun tanlov materialidir.

Hozirgi vaqtda polimer materiallar avtotransport vositasidagi 30 mingga yaqin qism ichida 1/3 ulushga ega. Hammasi bo'lib avtomobil ishlab chiqarish uchun taxminan 39 xil turdagi asosiy polimerlardan foydalaniladi [5]. Avtomobillarda ishlatiladigan polimerlarning 70% dan ortig'i to'rtta polimerlar hissasiga to’g’ri keladi: polipropilen, poliuretan, poliamidlar va polivinilxlorid [7]. Polimer va kompozit materiallar transport vositasining yuqori xavfsizlik standartlariga javob berishiga imkon beradi, avtomobilsozlikda bunday materiallardan foydalanish transport vositalarida ishlatiladigan qismlarning massasini minimallashtirishga imkon beradi va metallarga nisbatan ko'proq dizayni ustida ishlov berishni yengillashtiradi.



1-rasm. Avtomobillarda polimer va kompozit materiallardan foydalanish ko'rsatgichining yillar bo'yicha taqsimlanishi.

Avtomobillarda ishlatiladigan polimer va kompozit materiallar miqdori vaqt o'tishi bilan oshib bormoqda (1-rasm). 1960-yilda Shimoliy Amerikada ishlab chiqarilgan avtomobillarda o'rtacha 8 kg polimer va kompozit materiallar bo'lgan [6]. 2016 yilda yengil avtomobil 151 kg polimer va kompozit materiallar bilan tayyorlangan. Bu avtomobil og'irligining taxminan 8 foizini va avtomobil tarkibidagi materiallarning 50 foizini tashkil etadi.

MUHOKAMA

Polimer va kompozit materiallarning qo'llanilishi avtomobillar salonini erganimik ko'rkam va shovqinsiz bo'lishini ta'minlab arzon tannarxi tufayli avtomobil ishlab chiqaruvchilarning pulini tejaydi. Shu bilan birga kompozit materiallar ham avtomobil ishlab chiqarishda polimer kabi po'latga qaraganda katta afzalliklarga egadir ya'ni kompozit materiallar yengilroq, xavfsizroq va mustahkamroqdir. Avtomobillarda polimer va kompozit materiallarning qo'llanilishi yoqilg'i tejash standartlariga to'la mos kelmoqda, og'irlikni kamaytirish uchun yana ham ko'proq polimer va kompozit materiallarga ehtiyoj sezilmoqda. Avtomobillarda po'lat va alyuminiy materiallari asosan yuk ko'taruvchi elementlar, kuzov, harakatni uzatuvchi va ishqalanadigan qismlarda, issiqlik almashinuvchilari va yuqori haroratlarda ishlaydigan qismlarda foydalanilar edi. Avtomobilsozlik sanoatida ularning o'rnini bosuvchi, korroziyaga, namgarchilik va turli haroratga chidamli uglerod tolali kompozit materiallarning paydo bo'lishi va takomillashishi, avtomobillarni yanada yengil, samarali quvvat bilan ishlashiga imkoniyat yaratdi.

NATIJALAR

Kompozit materiallarning imkoniyatlari avtomobilsozlik sanoatining asosiy talablarini qondirib, quyidagi samarali ekspluatatsion xususiyatlarni ta'minlaydi:

- Issiqlik o'tkazuvchanlik uchun past kengayish koeffitsienti;
- Shaklni saqlash va ishonchliligi uchun mukammal o'lchovli barqarorlik;
- Nam va quruq sharoitda ishlash uchun korroziyaga qarshilik;
- Umumiy avtomobil massasini kamaytirish uchun nisbatan kam og'irlik;
- Shovqin so’ndiruvchanlik;
- Bo'yoqlarni qabul qilish qobiliyati va bo'yoqni sifatli qabul qilishi;
- Nisbatan past narxligi, ishlab chiqarish uchun qulayligi.

Kompozit materiallar avtomobilning quyidagi qismlarda qo'llaniladi:

- Havo deflektorlari va spoylerlari (havo to'g'onlari);
- Kollektorlarda;
- Batareya korpuslari va qopqoqlarida;
- Bamperlar va bamper tutquchlarida;
- Dvigatel kallagi va qopqoqlarida;
- Avtomobil eshik va deraza ramkalarida;
- Boshqaruv panelida;
- Faralarda;
- Issiqlik va shovqindan himoya qoplamalarda;
- Avtomobil kuzovida.

Avtomobilsozlikda polimerlardan foydalanish orqali quyidagi samaradorlikka erishamiz:

- avtomobilning tashqi ko'rinishi yaxshilanadi;
- uning massasi pasayadi;
- shovqin pasayadi;
- detallarning dizayni takomillashadi;
- ehtiyot qismlarning ishlash muddati uzayadi;
- ishlab chiqarishdagi texnalogik jarayonlar soddalashdi.

Yuqorida ta’kidlab o’tganimizdek, avtomobillarda ishlatiladigan polimerlarning 70% dan ortig'i to'rtta polimerlar hissasiga to’g’ri keladi: polipropilen, poliuretan, poliamidlar va polivinilxlorid. Ularni batafsil ko’rib chiqamiz.

Polipropilen (PP) - bu turli xil qo'llanmalarda ishlatiladigan termoplastik polimer. Monomer propilendan tayyorlangan to'yingan qo'shimcha polimer, u ko'plab kimyoviy erituvchilar, asoslar va kislotalarga juda chidamli. Avtomobilning quydagi

qismlarida qo'llaniladi: avtomobilning bamperlari, maxsus suyuqlik saqlovchi idishlar, yoqilg'i va moy idishlari.

Poliuretan (PUR) - bu qattiqlik, egiluvchanlik va haroratga chidamli elastik material. Boshqa poliuretan o'ta yuqori egiluvchanlik, yuqori yuk ko'tarish qobiliyati va ob-havo, ozon, radiatsiya, moy, benzin va ko'pgina erituvchilarga chidamlilik xususiyatlariga ega. Avtomobilning quydagi qismlarida qo'llaniladi: o'rindiqlar va uning qoplamasida, izolyatsiya panellarida, elastik shinalarda, avtomobil osmasining taynch bo'g'inlarida, kabel qoplamalarida, kuzovda.

Polivinilxlorid (PVX)- yaxshi egiluvchanlikka ega, issiqlikni chidamli, yorqinligi yuqori. Avtomobilning quydagi qismlarida qo'llaniladi: avtomobil asboblar panellari, elektr kabellari, chiqarish quvurlarida, avtomobil eshiklarida.

Avtomobillarning murakkab, yengil, sifatli va mustahkam qismlarini ishlab chiqarishda metallarni plastmassaga almashtirish muhim texnik va iqtisodiy samaralar beradi, chunki polimer va kompozit materiallar ushbu talablarga javob berib, ishlab chiqarish arzonligi, qayta ishlash natijasida minimal chiqindilar chiqarishi, vaznning yengilligi bilan avtomobil yoqilg'i tejamkorligi va buni natijasida chiqindi gazlar miqdorining kamayishiga ijobiy ta'siri, transport shovqinini so'ndirishi va uzoq vaqt foydalanish kabi sifatlari bilan hozirda va kelajakda avtomobilsozlik sanoatining asosiy xom-ashyo bo'lib qoladi.

XULOSA

Avtomobilsozlik sanoatida polimer va kompozit materiallarning qo'llanilishi avtomobillarni vaznini kamaytirib yonilg'i tejamkotligini oshiradi, shu bilan birga arzon tannarxga ega bo'lgan ushbu material mustahkam, korroziya, yeyilish, harorat va boshqa atrof muhitning salbiy ta'sirlariga chidamli va avtomobilning atrof muhitga salbiy ta'sirlarini ya'ni shovqin va tebranishlarni so'ndirish, kam chiqindi chiqarish xususiyatlariga ega material hisoblanadi. Respublikamiz avtomobilsozlik sanoatida, avtomobil ishlab chiqarish korxonalarida avtomobilarni sifatli, raqobatbardosh, yoqilg'i tejamkor, ekologik talablarga mos va iste'molchilar uchun arzon narxlarda ishlab chiqarishni yo'lga qo'yishda polimer va kompozit materiallardan foydalanish yuqori samara beradi va qo'yilgan barcha talablarga javob beradi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Klaus Freidrich, Abdulhakim Almajid. Manufacturing Aspects of Advanced Polymer Composites for Automotive Applications. 05.04.2012.
2. Lynette V Cheah. "Cars on a Diet:The Material and Energy Impacts of Passenger Vehicle Weight Reduction in the US." 05.08.10.

(https://www.researchgate.net/publication/228899722_Carson_a_Diet_The_Material_and_Energy_Impacts_of_Passenger_Vehicle_Weight_Reduction_in_the_US).
3. Reducing CO2 emissions from passenger cars - before 2020. (https://ec.europa.eu/clima/ policies/ transport/vehicles/cars_en).
4. Composites in Cars: Making Vehicles Lighter, Safer and More Fuel-Efficient 29.09.2012 (https://www.mech.utah.edu/composites_cars/).
5. Priyanka Khemka. “New Trends In Plastics Consumption In The Automotive Industry – Which Materials Will Be The Winners AndLosers?”.23.01.2020. (http://adapt.mx/plastics-in-the-automotive-industry-which-materials-will-be-the-winners-and-losers/)
6. Alexander H. Tullo, “Plastics makers plot the future of the car”. 13.11.2017. (https://cen. acs.org/articles/95/i45/Plastics-makers-plot-future-car.html)
7. 13 high performance plastics used in the automotive industry. (https://www.craftechind.com/13-high-performance-plastics-used-in-the-automotive-industry/)

REFERENCES

1. Klaus Freidrich, Abdulhakim Almajid. Manufacturing Aspects of Advanced Polymer Composites for Automotive Applications. 05.04.2012.
8. Lynette V Cheah. “Cars on a Diet:The Material and Energy Impacts of Passenger Vehicle Weight Reduction in the US.” 05.08.10. (https://www.researchgate.net/publication/228899722_Carson_a_Diet_The_Material_and_Energy_Impacts_of_Passenger_Vehicle_Weight_Reduction_in_the_US).
9. Reducing CO2 emissions from passenger cars - before 2020. (https://ec.europa.eu/clima/ policies/ transport/vehicles/cars_en).
10. Composites in Cars: Making Vehicles Lighter, Safer and More Fuel-Efficient 29.09.2012 (https://www.mech.utah.edu/composites_cars/).
11. Priyanka Khemka. “New Trends In Plastics Consumption In The Automotive Industry – Which Materials Will Be The Winners AndLosers?”.23.01.2020. (http://adapt.mx/plastics-in-the-automotive-industry-which-materials-will-be-the-winners-and-losers/)
12. Alexander H. Tullo, “Plastics makers plot the future of the car”. 13.11.2017. (https://cen. acs.org/articles/95/i45/Plastics-makers-plot-future-car.html)
13. 13 high performance plastics used in the automotive industry. (https://www.craftechind.com/13-high-performance-plastics-used-in-the-automotive-industry/)

СОЗДАНИЕ ПРОГРАММНЫХ СРЕДСТВ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ ТРАНСПОРТНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Усмон Аллакулович Нуруллаев
Джизакский политехнический институт
email: usmon-n@mail.ru

Илхом Искандар угли Умиров
Джизакский политехнический институт
email: umirov-i@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В статье обосновывается необходимость автоматизированных средств обработки информации на автотранспортных предприятиях. Приведены программы, используемые для оптимизации процесса грузоперевозок, а также менеджмента автотранспортных хозяйств.

Ключевые слова: автоматизированная информационная система, грузоперевозка, программное обеспечение, автомобильные хозяйства.

CREATION OF SOFTWARE TOOLS OF AUTOMATED INFORMATION SYSTEM OF TRANSPORTATION COMPANIES

Usmon Allakulovich Nurullayev
Jizzakh Polytechnic Institute
email: usmon-n@mail.ru

Ilhom Iskandar ugli Umirov
Jizzakh Polytechnic Institute
email: umirov-i@mail.ru

ABSTRACT

The article substantiates the need for automated means of information processing at road transport enterprises. The programs used to optimize the process of cargo transportation, as well as the management of road transport facilities.

Keywords: automated information system, cargo transportation, software, automotive facilities.

ВЕДЕНИЕ

Развитие независимой Республики Узбекистан предусматривает создание крупных государственных кооперативов по производству потребительских товаров, а также частных предприятий, совместных предприятий, фирм,

страховых и других видов агентств, развитие средств связи (почта, телеграф, телефон, факс). Резкое увеличение объема информации и вялое развитие средств ее функционирования затрудняют человеку возможность иметь и использовать влияние на нее. Много времени уходит на его поиск, сортировку и использование. Информационные фонды будут нуждаться в новых инструментах для обслуживания каждого человека. Информация стала стратегическим ресурсом для общества как источник знаний. А эффективное использование этих ресурсов связано с процессом информатизации общества (информатизации).

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Основной функцией автоматизированной информационной системы является поиск необходимой человеку информации на основе запросов, поступающих в систему. С помощью автоматизированных информационных систем сотрудники всех сфер - менеджеры, инженеры, экономисты, техники могут выполнять различные виды работ по получению информации, в том числе:

- анализировать деятельность организации по разным показателям, причем в разные сороковые годы (по определенному времени и периоду, видам выпускаемой продукции и др.);
- получение различного рода отчетов и данных (принятие управленческих решений, проведение совещаний, передача документов в вышестоящие организации и др.);
- контроль и учет выполнения заказов (например, поставка продукции, техническое обслуживание организации техническими средствами);
- составление финансовой отчетности;
- учет входящих и исходящих писем;
- управление и учет составляющих работников организации и др.;

ОБСУЖДЕНИЕ

Изначально автоматизированные системы базируются на решении поставленной задачи. Для этого необходим алгоритм решения выбраный для решения существующих проблем, потому что решение таких проблем быстро дает свой эффект.

При создании сложных автоматизированных систем возникли проблемы на пути решения этой задачи.

1. Появились избыточность и дублирование данных. Например, вопрос вычислений заработной платы и вопрос работы персонала и хранения одних и тех же данных. (о сотрудниках, их зарплате и карьере и т. д.). Сложность заключалась в том, что изменение данных в вопросе требует корректировки в других вопросах само по себе.

2. Дело в том, что существует связь между данными и приложениями (в языках, как Бейсик, Паскаль, Фортран). Приложения включают в себя как описание данных, так и алгоритмы, с которыми они работают (выделение, добавление, замена и т. д.).

РЕЗУЛЬТАТЫ

Результатом стало добровольное изменение организации данных, потребовавшее внесения изменений в программу. Кроме того, те же самые алгоритмы, которые работают с данными, должны были быть частью всех практических приложений.

Эти и другие недостатки требовали от программистов организации данных по-новому при создании автоматизированных систем. В результате этого он будет предъявлять стандартные требования к организации данных в нем.

Таким образом, использование базы данных в автоматизированной информатике имеет следующие преимущества:

1.Централизованное управление информационными ресурсами, обеспечивающее синхронизацию работы всех приложений с информацией;

2. Отсутствие контроля избыточности из-за интеграции информации;

3. Чтобы избежать дублирования данных, информация вводится один раз и используются много раз;

4. Инструменты организации информации унифицированы и все программы привязаны к организации информации.

Программные средства для создания автоматизированных систем. В настоящее время к программным средствам, используемым при создании прикладных продуктов, в основном относятся следующие:

Операционные системы Windows / XP, OS / 2

Сетевые операционные системы Windows NT, Unix, Windows

Текстовые процессоры Ms Word

Электронные таблицы, MsExcel, Quatfro;

Системы управления базами данных MsAccess,

Языки программирования MS Visual Basic, Visual C++, C ++ , Java.

Системы управления базами данных - это совокупность прикладных инструментов и языков, которые составляют, управляют и реализуют использование базы данных. В зависимости от характера использования системы управления базами данных подразделяются на персональные и многопользовательские системы. Персональные системы управления базами данных используются для построения локальной базы данных.

Многопользовательские системы управления базами данных позволяют создавать информационные системы, работающие на основе клиент-серверной архитектуры. В качестве примера многопользовательских систем управления базами данных можно привести такие программные пакеты, как Oracle, Informix, SyBase, Microsoft SQL Server, InterBase, MySQL.

В каждом автотранспортном предприятии специализирующемся на перевозке грузов, рассматривается вопрос учета и контроля работы транспортных средств на основе данных:

- По маршруту и времени доставки;
- В зависимости от перевозимого груза;
- По состоянию автомобиля, стоянию и его характеристикам;
- По персональным данным хранителей. Включает в себя маршрут доставки и информацию о местоположении и времени:

Пункт погрузки и разгрузки, расстояние прохождения, дата отправления, дата прибытия.

Учитывается информация в очереди о перевозимом грузе:

Наименование перевозимого груза, наименование организации, отправившей груз, организация, получившая груз, вес груза.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Состояние автомобиля объясняется его установкой или неисправностью, а место, где он стоит– прикрепление к стоянке рейса, объясняется капитальным ремонтом.

К техническим характеристикам автомобиля относятся:

Средняя скорость, несущая способность, потребляемое топливо, марка автомобиля, номерной знак;

Информация о водителях включает в себя следующее:

Фамилия, имя, отчество, анкетные данные (автобиография);

На основании вышесказанного можно сделать выводы: автоматизированные системы сбора и обработки информации существенно

облегчает труд и сокращает время обработки данных, что в сою очередь дает возможность оптимизировать работы автотранспортных предприятий.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Джураев Р.Х., Джаббаров Ш.Ю., Юлдашев М.Д. (2003). Принципы организации дистанционного диагностирования цифровых систем. Методические указания к практическим занятиям по курсу ТДЦС. Ташкент.
2. Конноли Т, Каролин Б. (2003). Базы данных. Проектирование, реализацияисопровждение. Теория ипрактика. Москва-Санкт-петербург-Киев.
3. Фаранов В. В.(2002) – Delphi 7, Москва, Налидж.

REFERENCES

1. Джураев Р.Х., Джаббаров Ш.Ю., Юлдашев М.Д. (2003). Принципы организации дистанционного диагностирования цифровых систем. Методические указания к практическим занятиям по курсу ТДЦС. Ташкент.
2. Конноли Т, Каролин Б. (2003). Базы данных. Проектирование, реализацияисопровждение. Теория ипрактика. Москва-Санкт-петербург-Киев.
3. Фаранов В. В.(2002) – Delphi 7, Москва, Налидж.

АВТОМОБИЛЛАРДАН ЧИҚАЁТГАН ГАЗСИМОН ЧИҚИНДИЛАРНИНГ АТМОСФЕРАГА АРАЛАШИШИ

Илҳом Искандар ўғли Умиров
“Транспорт воситалари муҳандислиги” кафедраси
Жиззах политехника институти
email: umirov-i@mail.ru

Ёркин Муртозоқулович Ҳамракулов
“Транспорт воситалари муҳандислиги” кафедраси
Жиззах политехника институти
email: hamraqulovyorqin479@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ишлаб чиқилган тавсиялар асосан автотранспорт воситаларидан чиқаётган чиқинди газларнинг атроф муҳитга зарарли таьсири ва уларни бартараф этиш йўллари, экология ва атроф муҳитни зарарловчи омиллар, автомобил двигателларидан ажралиб чиқиб, ҳеч қандай тозалашларсиз атмосфера ҳавосига қайта қўшилиб кетадиган ёниш маҳсулотларининг таркибий салмоғи фоизларда кўрсатиб ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: автомобил, чиқинди газ, атроф муҳит, табий омил, техноген омиллар.

FUSION OF GAS WASTE FROM CARS TO THE ATMOSPHERE

Ilhom Iskandar ugli Umirov
Department of Vehicle Engineering,
Jizzakh Polytechnic Institute
e-mail: umirov-i@mail.ru

Yorkin Murtozokulovich Hamrakulov
Department of Vehicle Engineering,
Jizzakh Polytechnic Institute
e-mail: hamraqulovyorqin479@mail.ru

ABSTRACT

The recommendations developed in this article mainly focus on the harmful effects of exhaust gases on cars and how to eliminate them, ecology and environmental factors, the percentage of combustion products that are separated from car engines and re-added to the atmosphere without any cleaning process.

Keywords: car, exhaust gases, environment, natural factor, man-made factors.

КИРИШ

Шу кунгача ва ҳозирги вақтда атроф мухитни фаол ифлослантирувчи техноген ва антропоген объектларнинг сони ва таъсир доираси вақт ўтган сари ошиб бормоқда.

Айниқса, йирик шахарларнинг ички йўлларида харакатланаётган транспорт воситалари оқими томонидан атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар концентрациясига асосланган холда, солиштирма йўл узунлиги бирлигига тўғри келадиган ифлословчи манбалар ва уларнинг таркибидаги чиқинди моддалар миқдорининг энг мақбул қийматларини аниқлаш долзарб муаммолардан бири хисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки хар қандай йирик шахар бир қанча магистрал ва унга қўшилувчи хамда ундан тармоқланувчи бир қанча асосий ва қўшимча йўллардан иборат бўлади. Шахарнинг географик ўрнига мос холда унинг барча минтақаларини ўзаро боғловчи йўллар ва кўчалар дунё томонларига нисбатан ихтиёрий йўналишда жойлашган бўлишлари мумкин. Транспорт воситаларидан ажралиб чиқаётган ифлослантирувчи моддаларнинг бир йўл участкасидан бошқасига кўчиб ўтиши асосан географик, иқлим ва метеорологик шароитларга боғлиқ хамда маълум вақт оралиғи учун турли қийматларга эга бўлиши мумкин. Жиззах шахрининг ички транспорт оқими йўллари харитасини синчиклаб ўрганиш натижасида транспорт қатнови ўта фаол бўлган бешта йирик шох кўча ва ушбу асосий йўлларга олиб чиқувчи яна ўн битта ёрдамчи йўллар, жами ўн олтита йўл участкалари тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Бирлик вақт даври ичида $И_i$ йўл участкасида хар бир транспорт воситаси $f_i \geq o$ миқдордаги ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқараётган бўлсин. Агар $И_i$ йўл участкасида ифлослантирувчи манбалар учрамаса, $f_i = o$ деб қаралади.

Хар бир йўл участкаси учун атмосфера хавосини ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг энг мақбул юқори чегараси маълум бўлсин. Ушбу юқори чегара хар бир йўл участкасида харакатланаётган транспорт воситаларининг турига, харакат оқимининг тезлигига, оқим зичлигига, йўллардаги чоррахалар, бекатлар ва светафорлар сонига боғлиқ равишда ўзгариб туриши мумкин.

НАТИЖА

Муаммонинг ечими атмосфера хавосидаги ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг рухсат этилган чегарасидан ошиб кетмайдиган хар бир йўл участкасидаги манбалардан ажралиб чиқадиган f_i ифлословчи моддалар миқдорини аниқлаш орқали хал этилади. Хар бир йўл участкасидаги ифлослантирувчи моддалар миқдори m_i га тенг деб қабул қилинади. Ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг рухсат этилган юқори чегараси давлат стандарти билан белгилаб қўйилади ва g_i сони билан аниқланади.

Демак, ифлослантирувчи моддалар миқдоридан қатъий назар, вақтнинг маълум бир қийматида барча йўл участкаларида харакатланаётган транспорт воситаларининг ифлословчи манбаларидан тарқалаётган газсимон чиқиндилар атмосфера хавоси таркибига тўлиқ сингиб, қўшилиб кетадилар.

Ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферада кўчиб юриши ва тарқалишига асосан иккита омил самарали таъсир этади.

1.Табиий омиллар: ҳавонинг табиий айланишидаги даврий режимнинг ҳарактеристкалари; ушбу режимнинг кўп бор такрорланиши; ҳавонинг вертикал тортувчанлиги; ҳавонинг ҳаракатсиз туриш даврининг такрорланиши; туман тушишининг давомийлиги; атмосферанинг термик турғунлиги; ҳаводаги намлик даражаси.

2.Суньий, яъни техноген омиллар: зарарли моддалар чиқиндиларининг ажралиб чиқиш ҳажми ва жадаллиги; ўзлаштирилган ҳудудларнинг техногенлик даражаси; зарарли чиқиндиларнинг тарқалиш ҳудуди ўлчамлари.

Лекин ички ёнув двигателларида органик моддаларнинг ёниши билан боғлиқ ҳақиқий жараёнларда идеал кимёвий реакция юз бермайди. Чунки биринчидан, ёнилғи ҳаво аралашмаси кўпроқ чала ҳолда ёнади, иккинчидан ёнилғи ва мотор мойлари таркибида ва атмосфера ҳавосида ҳар ҳил қўшимчалар ва табиий компонентлар мавжудлиги туфайли ёниш маҳсулотлари таркибида зарарли моддаларнинг синтез бўлиши кузатилади.

МУҲОКАМА

Қуйидаги жадвалда автомобил двигателларидан ажралиб чиқиб, ҳеч қандай тозалашларсиз атмосфера ҳавосига қайта қўшилиб кетадиган ёниш маҳсулотларининг таркибий салмоғи фоизларда кўрсатилган.

2. Doniyev S.I, Ibrohimov F.A, Joldasov I.S. Boshlang`ich ta’lim rivojlanish tendensiyalari(Finlandiya ta’lim tizimi misolida). Pedagogika va psixologiyada innovatsiyalar. (2-maxsus son). Toshket-2020. 392-bet.
3. Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари: республика илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. – Т.: ТАТУ.
4. Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари: республика илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. – Т.: ТАТУ.
5. Р. Ишмухамедов, А. Абдукодиров, А. Пардаев. “Таълимда инновацион технологиялар: таълим муассалари педагог-ўкитувчилари учун амалий тавсиялар”.
6. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти мавзусидаги педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. 2007.
7. Doniyev S.I., Ibrakhimov F. A., Joldasov I. S. Trends in the development of primary education (an example of the finnish system of primary education).Innovations in pedagogy psychology. Special issue -2. Toshken-t 2020. 392-page.

АЛ-АФҒОНИЙ ВА МАСЛАКДОШЛАРИНИНГ ЖАМИЯТНИ ИСЛОХ ҚИЛИШДАГИ КЎШГАН ХИССАЛАРИ

Сирожиддин Қудратов
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти
Илмий раҳбар: Хуршид Илхомович Тошов
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ислом дунёсининг машҳур олимларидан бири Ал-Афғонийнинг ислом социализмига тегишли бўлган қарашлари қисқача муҳокама қилинади. Хусусан Ал-Афғоний тасаввурида тенглик ва демократияга асосланган ҳар қандай жамият, жумладан, диний жамоа ҳам социалистик бўлаверади. Ал-Афғоиий социализм ҳақида ана шундай фикр-мулоҳазари Европа олимларининг қарашлари билан солиштириб ўрганилган.

Калит сўзлар: социализм**,** ислом, демократия, мафкура, ғоя, дин, панисломизм.

THE CONTRIBUTIONS OF AL-AFGHANI AND HIS COLLEAGUES IN THE REFORM OF SOCIETY

Sirojiddin Kudratov
Master Student, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Supervisor: Khurshid Ilkhomovich Toshov
Senior Teacher (PhD), National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ABSTRACT

This article briefly discusses the views of Al-Afghani, one of the leading scholars of the Islamic world, on Islamic socialism. In Al-Afghani's vision, in particular, any society based on equality and democracy, including the religious community, can be socialist. Al-Afgha'i's view of socialism has been studied in comparison with the views of European scholars.

Keywords: socialism, Islam, democracy, ideology, idea, religion, pan-Islamism.

КИРИШ

Ал-Афғоний ва унинг маслакдошлари социализм таълимотининг тенглик, демократия борасидаги ғояларини, исломга зид бўлмаган, ўзларига мақбул жиҳатларини олдилар ва уларни жамият ҳаётига татбиқ қилишга уриндилар. Улар социализм ислом билан келиша оладиган таълимот, ислом тарихининг муайян даврларида ҳам социалистик тартиблар мавжуд бўлган, деб ҳисоблар эдилар. «Социализм ва ислом ўртасидаги муносабат шундайки, социализм ислом билан боғлиқ бўлган таълимотдир. Чунки ислом вужудга келган илк даврданоқ халқ ижоди билан боғланган таълимот эди»,-деб ёзади у. Унинг тушунчасига кўра, тенглик, демократия борасидаги социалистик тартиблар дастлабки халифалар, хусусан, Абу Бакр ва Умар даврларида ҳам мавжуд эди. Ал-Афғоний тасаввурида тенглик ва демократияга асосланган ҳар қандай жамият, жумладан, диний жамоа ҳам социалистик бўлаверади. Ал-Афғоний социализм ҳақида ана шундай фикр-мулоҳаза юритади. У Европадаги мавжуд социалистик таълимотни ҳам шу тарзда талқин қилади, тенгсизлик бор жойда социалистик таълимот вужудга келади, дейди. Унинг бундай қараши мустамлакачиликка қарши ғояларига ҳам таъсир кўрсатган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

У, жамиятда рўй берадиган қар қандай тенгсизлик, жумладан, миллий тенгсизлик, яъни бир миллатнинг иккинчи миллат томонидан қулликка солиниши ўта кетган адолатсизликдир, дейди. Ал-Афғонийнинг бундай фикрлари кейинчалик араб мамлакатларда кенг тарқалган ислом социализми таълимотига асос солди. Бу таълимотда ислом ва социализм ғоялари омихталаштирилган ҳолда мужассамланган. Ал-Афғоний ижтимоий-сиёсий қарашларида маълум изчиллик мавжуд. Уларда XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа капиталистик мамлакатларининг Шарқдаги босқинчилик ҳаракатлари ва мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш ғоялари ёрқин ифодаланган эди. Ғарб дунёсида босқинчилик сиёсати авжига чиққан, Шарқ мамлакатларини сиёсий ва иқтисодий қарам мамлакатларга айлантириш ва уларни эзиш, халқ бойликларини талон-торож этиш, миллий маданият ва анъаналарини таҳқирлаш кайфияти кучайган бир даврда ал-Афғоний Шарқни ўз мустақиллигини сақлашга, миллий ғурурини оёқ ости қилдирмасликка чақиради. У илгор гоалари билан эзилган халқлар ўртасида обрў-эътибор топди. У ана шундай улуғ мақсад йўлида фаолият кўрсатди, барча иқтидорини шунга бағишлади. Уз қарашлари, ғояларидан умрининг охиригача воз кечмади, эзилган халқ оммасини озодликка даъват этди, босқинчилик сиёсатини инсониятга нисбатан разиллик,

адолатсизлик деб билди ва уни қоралади. Шундай илғор фикрлари туфайли у Шарқда танилди, араб дунёсида бошланган озодлик курашида ўчмас из қолдирди. Ал-Афғоний мустамлакачиликка қарши кураш ва халқлар мустақиллигини ғоявий сохдца таълим-тарбия, илм-фаннн ривожлантириш ва маърифатпарварлик масалалари билан боглар эди. Сиёсий соҳада эса мустамлакачиларга қаршилик кўрсатиш масаласини Шарқ халқларининг бирдамлнги, бирлашиши билан боғларди. У сиёсий нутқларида, рисолаларида Шарқ халқларини ўз миллий қобигига ўралашиб қолмасликка, барча жанжал ва ихтилофларни бартараф этиб, улуғ мақсад йўлида бирлашишга даъват этади. Ал-Афғоний Шарқда ягона «Ислом» давлатини барпо этиш тарафдори эди ва бу ғояни у ҳормай-толмай тарғиб этди. Кейинчалик бу ғоя ва у билан боғлиқ бўлган диний-сиёсий оқим панисломизм номи билан аталди.

Бу назария ўз сиёсий мавқеини кенгайтириш хаёлида юрпш баъзи мамлакатлар ҳукмдорларига, хусусан, турк султони Абдул Ҳамидга жуда хуш келди ва ундан фойдаланиш пайига тушди. Панисломизм ғоялари пантуркизм ғоялари билан омихталаштирилди. Аммо бундай бехуда уринишлар ал-Афғонийга маъқул тушмади. Панисломизм назарияси Шарқ халқларининг мустақилликни сақлашга бўлган интилишларини ифода этувчи ва ўз даври учун маълум маънода илғор ғоя эди. Ал-Афғоний унинг замирида миллатлар бирлигини, чет эл босқинчиларига қарши курашда аҳиллик ва бирдамликни кўрган эди. Чунки у халқлар токи миллати, ирқи, тили, қарашларидан қатьи назар, ёвузлик балосига қарши бирлашмас эканлар, озодпикни қўлга киритиб бўлмайди, деган қатьий фикрда бўлган ва бу ғояни «панисломизм» назариясига сингдиришга харакат қилган. Кейинчалик, XX асрнинг дастлабки йилларига келиб панисломизм кўпгина мамлакатларга тарқалиб, у ерларда турли шакп ва мазмунда талқин эпгила бошланди. Жамол ад-Дин ал-Афғоний шахсияти ҳақида бундай дейишган: «Бу инсон XIX асрнинг охирги чорагида бутун мусулмон дунёсига юксак даражада таъсир этган, ўзида маиший, диний ҳислар ва европа радикализми қоришмасини мужассамлаштирган». Унинг таълимоти асосан уч йўналишдан иборат: диний, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётни ялпи умумий ислоҳ қилиш, илк ислом асосларига қайтиш; парламент шаклидаги бошқаришни мужассамлантирган ислом шўро (маслаҳатлашув кенгаши) асосида сиёсий ислоҳ қилиш; ягона Ислом Лигаси қобиғида барча ислом давлатларини бирлаштиришга (панисломизм) даъват этиш. Мусулмонларнинг сиёсий бирлашиши орқали уларнинг маънавий бирлигига, ҳар бир мамлакатда алоҳида исломий тизим тикланишига эришишни кўзларди. «Ҳамма учун бир ҳукмдор бўлишини талаб қилмайман. Балки бунга эришиш қийин бўлар. Мен фақат ҳаммада ҳокимият эгаси сифатида Қуръон

бўлишини хоҳлардим, бирлашиш омили сифатида дин бўлиши керакдир». Ал-Афғоний давлатнинг энг афзал моделининг Қуръоний ҳокимият тамойилларига мурожаат этиб, мутлақликни инкор этади. Мутлақ ҳокимият - бу истибдоддир, адолатлилик фақат чекланган ҳокимият шароитида бўлиши мумкин. Истибдодга мухолифлик эса, ал-Афғоний фикрича, Қуръондаги маслаҳатлашув бошқариш тамойилларидир. Чекланган Конституцион монархия мумтоз ҳокимият исломий концепциясининг асосий ғоясига - маслаҳат- лашув тамойилига мосдир. Ал-Афғоний мусулмон дунбсида илм-фан ривожланишини истарди. Бу ҳақда кўп қайғурарди. У Шарқ мамлакатларида таълим ва илмий изланиш соҳасида анъанавий ислом билимлари билан чекланиш нотўғри, деб ҳисобларди. У дунёвий илмларни қўлга киритиш тарафдори эди. Чет элликлар мусулмонларнинг илмини қабул этиб, уни ривожлантирдилар, бойитдилар, кучли бўлдилар ва ислом издошларини анча орқада қолдирдилар. Шунинг учун яна Қуръонга қайтиш керак, лекин уни тўғри тушунишга ҳаракат қилиш лозим. «Ҳамма диний таълимотлар орасида айнан ислом фан ва билимга кўпроқ яқиндир». Дин илмни инкор этмайди, аксинча, унинг ривожланишига йўл очиб ҳам беради.

МУҲОКАМА

Ал-Афғоний фанни ғарбий ва исломий деб ажратишга ҳамда илмий-табиий фанларни ўкув дастурларидан чиқариб ташлашга қарши бўлган: «Кимки динни ҳимоя қилиш мақсадида баъзи фанларни ман этса, аслида унга душмандир» . «Ўқитиш ва таълимнинг фойдаси» мақоласида Шарқ мамлакатларининг ачинарли аҳволи сабабларини «олимларнинг олийжаноб ва муҳим ўрни» инкор этилганида кўради. Ал-Афғоний уларнинг ижтимоий мавқеини юқори баҳолайди. 1870 йил декабрда Истанбулдаги янги қурилган Дар ул-фунун университетида «Фан ва косиблик тараққиёти» мавзусида ўтказилган анжуманда олимларнинг фаолиятини «миссионерлик» деб баҳолаган. У олимни пайғамбарлар билан қиёслайди, пайғамбарлик математика, медицина, философия ва бошқа соҳалар каби косибликдир (синаа). Уларнинг фарқи шундаки, пайғамбарлик ҳақиқати - илҳом меваси, илмий ҳақиқат эса ақл маҳсули. Вақг ва шароит ўзгариши билан пайғамбарлик кўрсатмаси ҳам ўзгаради, илмий ҳақиқат эса - универсал. Ҳамма даврлар ҳам пайғамбарликка муҳтож эмас, лекин «башариятни қолоқлик гирдобидан фаровонлик ва тараққиёт йўлига чиқара оладиган илмий бошқариш доимо керак». Ал-Афғонийнинг бу чиқиши ортодоксал мусулмонларнинг ғазабини юелтирди, уни кофирликда айблашди ва у Маккага ҳаж қилиш баҳонаси билан Истанбулни тарк этди.

Бундан буён у ислом ва унинг ақидалари ҳақида эҳтиёткорлик билан гапира бошлади. Ал-Афғоний шогирди ва маслакдоши бўлмиш Муҳдммад Абдо билан ҳамкорликда «ал-Урва ал-вусқа» рўзномасини чоп этаркан, унда босилган мақолаларнинг бирида бундай ёзганди: «Биз рўзнома саҳифаларида «ислом» сўзини тез-тез такрорлаймиз, бундан империализмга кураш фақат мусулмон дунёсига тааллуқли экан, деган фикрга келмаслик лозим, бу кураш мусулмон давлат- лари билан ёнма-ён яшаётган, тақдирлари ғоят аянчли бошқа мамлакат халқларига ҳам тегишлидир».

НАТИЖАЛАР

Кўриниб турибдики, ал-Афғоний ғоялари фақат араб мамлакатларига тегишли бўлмай, балки барча мазлум халқларга апоқадор, кенг қамровли сиёсий қарашлар эди. Рўзнома бор-йўғи 8 ой яшади. Шу давр мобайнида унинг 18 сони босилди, холос: рўзноманинг дастлабки сони 1884 йил 18 мартда, охиргиси эса ўша йил 17 октябрда чоп этилди. Аммо шу қисқа даврда рўзнома араб дунёси ижтимоий-сиёсий қарашлари юксалишида муҳим роль ўйнади. Ал-Афғоний ва Муҳаммад Абдонинг шогирди Рашид Риданинг хабар беришича, сурияик машҳур олим Ҳусайн ал- Жасур: «Агар «ал-Урва ал-вусқа» яна бироз чиқиб турганда эди, мусулмон оламида катта ўзгаришлар содир бўларди», — деган. Дарҳақиқат, европа маркази ҳисобланмиш Парижда ўзининг ўткир публицистик мақолалари билан босқинчилар ҳийла- найрангини фош этиш, мазлум Шарқ халқларида уларга нафрат ҳиссини уйғотиш ва бу бало- қазолардан қутулишнинг бирдан-бир йўли фақат кураш эканлигини тарғиб қилиш юксак жасорат ва шижоат талаб қиларди. Ал-Афғоний ўз мақолаларининг бирида шундай дейди: «Шарқликларга қараб айтмоқчиманки, катта бўлмаган давлатлар ўз мустамлакасини сақлашга уринаётганини, у ерга ўқ отадиган қурол киритмасликка тиришаётганини қаранг, қурол учун улар олий жазо беришаяпти, қаттиқ таъқиб қилишаяпти. Бунинг маъноси аниқ: мустамлакачилар қуролдан ўзларига қарши фойдаланмасинлар, деб қўрқадилар», Ўша давр тадқиқотчиларининг айтишича, бу рўзнома барча араб дунёсида миллий онг ва кураш фаоллигнни кучайтириб юборди. Кейиячалик, рўзномада эълон қилинган барча сиёсий

Арпб Шнрқм, Туркия. Хнндмстон» Эрон қамда бошқн мпмлйкнтлдр нйгйнпйрийрдйри бу гаялардан баҳраманд булмб, улар тнъсирнда ут хплқими трнққибт сарн олнб бормшга имттшднлар. Ислом ислоҳотчилиги ва моьрифатпарварлик ғоялпри улкамиз Туркистонга ҳам етиб келди ва бу ерда жадидчилик ҳаракати пайдо бўлишига туртки берди. Туркистондаги

жадидчиликнинг отаси ҳисобланмиш Исмоил Гаспринский Жамол ад-Дим ал-Афғоний оркали қабул этган бу ғояларнинг рнвожига самарали таьсир кўрсатдн. У Арабистонга, чунончи, Мисрга бориш кезларида ал-Афғоний билан учрашиб турарди ва узоқ муддатли суҳбатлари ҳамда маърузаларини тингларди. Исмоил Гасприиский ал-Афғонийни менинг устозим» деб тан олган эди. Туркисгон жадидчилари - Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори. Абдурауф Фитрат ва бошқалар ўз халқига хизмат қилиб, миллатини уйғо- тишда, уни қоронғуликдан, зулмдан халос этишда жонбозлик кўрсатишган. Жадидчилик - ижтимоий-фалсафий ҳаракат бўлиб, миллат ва ўлка исгиқболи учун йўналтирилган эди. Унинг фалсафаси маърифатпарварлик ғояларини мунтазам равишда ҳаётга татбиқ этишдан иборат эди. Шундай қилиб, Жамол ад-Дин ал-Афғоний барча илғор ғоялари, диний-фалсафий қарашлари билан Шарқ халқлари тараққиёти, озодлиги, инсон ҳақ-хуқуқи, ижтимий адолатни ўрнатишга ҳаракат қилган олимлардандир.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, мусулмон ислоҳчилик ҳаракати ўзининг бошланғич давридаги ривожланишида диний эътиқоднинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди, шу билан бирга XIX аср охири - XX аср бошларида Мисрнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти тарихида чуқур из қолдирди. Миср ислоҳчилари замонавий таълим, матбуот, адабиёт, санъатни тиклашда муҳим рол ўйнадилар. Улар ўзларининг амалий фаолиятларида ислом таълимотининг илк ғоявий асосларини қайта кўриб чиқиш, уларни янги шароитларга мослаштиришга уриндилар. Бу ишда ислоҳчилик ҳаракатининг мафкурачиси ва йўлбошчиси Муҳаммад Абдонинг фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. У ислом таълимотини араб жамияти эволюциясига мувофиқ ўзгарадиган принцип ва қарашлар тизимига айлантиришга интилди. Муҳаммад Абдо ва унинг сафдошлари томонидан ишлаб чиқилган мусулмон ислоҳчилигининг диний-фалсафий ва сиёсий ғоялари Ҳиндистон ва Сурия, Баҳрайн ва Сингапур, Тунис ва Жазоир, Эрон ва Ява, Туркия ва Малайзия жамоат арбоблари ва диний мутафаккирлари орасида кенг тарқалди.

Шу билан бир қаторда диний ислоҳчилик ҳаракатининг ижтимоий табақаларга таъсири чекланган тарзда бўлганлигини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Янгиланган ислом ғояларининг турли ижтимоий табақалар орасига кириб бориши жуда секин кечди. Мусулмон ислоҳчилиги, худди маърифатпарварлик ва илк миллатпарварлик оқимлари каби, юқори табақаларга хос бўлиб қолди, омма онгига таъсир қилаолмади, ўқимишли зиёлиларнинг тор доираларигагина

таъсир кўрсатди. Ислоҳчилик ғоялари XIX аср охири - XX асрнинг биринчи ярмида Мисрда ва бошқа араб давлатларида зиёлиларнинг бир қисми учун мафкуравий таянч бўлиб хизмат қилди, холос.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кириллина С.А. Ислам в обшественной жизни Египта М:1985-С.130.
2. Ал-Афғаний, Жамал Ад-Дин. Ал-амал ал-камила мав диаса ан ал-Афғоний ал-хақиқа л-кулимя умар Мухаммад – Қахира 1968. 141-бет.
3. Amm O. Somte Aspects of Religious in the Muslim Middle east // The Traditionalism and Modernism in the Muslim Middle East Austin Texas. 1966. 93р.
4. Жамол ад-Дин ал-Афғоний // Хорижий Шарқ халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи 1971.-255 бет.
5. Мусулманский мир. Средние века. Новое время: очерки исламской история и культуры. Под редакцей Р.м.Валеева. Казан: 1996.-С.108.
6. Янан Фатхи. Ислам: идем дакженна, перемены. – М: 1992. – С.27.

REFERNCES

1. Кириллина С.А. Ислам в обшественной жизни Египта М:1985-С.130.
2. Ал-Афғаний, Жамал Ад-Дин. Ал-амал ал-камила мав диаса ан ал-Афғоний ал-хақиқа л-кулимя умар Мухаммад – Қахира 1968. 141-бет.
3. Amm O. Somte Aspects of Religious in the Muslim Middle east // The Traditionalism and Modernism in the Muslim Middle East Austin Texas. 1966. 93р.
4. Жамол ад-Дин ал-Афғоний // Хорижий Шарқ халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи 1971.-255 бет.
5. Мусулманский мир. Средние века. Новое время: очерки исламской история и культуры. Под редакцей Р.м.Валеева. Казан: 1996.-С.108.
6. Янан Фатхи. Ислам: идем дакженна, перемены. – М: 1992. – С.27.

“ТАНҚИДИЙ ТАФАККУР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ РОЛИ

Жаҳонгир Худойқулов
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти
Илмий раҳбар: Хуршид Илхомович Тошов
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада танқидий тафаккур тарихи маданияти ва унинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар психологлар ва социологлар томонидан билдирилган фикрлар таҳлил этилган**.**

Калит сўзлар: танқид, изолация, скептизм, далиллар

THE CONCEPT OF "CRITICAL THINKING" AND ITS ROLE IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Jahongir Khudoykulov
Master of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Scientific adviser: Khurshid Ilkhomovich Toshov
Senior Lecturer (PhD) of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ABSTRACT

The article analyzes the views expressed by psychologists and sociologists on the culture of the history of critical thinking and theories about its origins.

Key words: criticism, isolation, skepticism, evidence

КИРИШ

Юнон тилидан таржимада “танқид” сўзи изоляция, ажралиш деган маънони англатади. Ўзбек тилида танқид тушунчаси бошқа маъно касб этди ва кўп ўлчовли. Танқид тушунчаси инсоннинг барча ақлий фаолиятини ўз ичига олади.

Танқидий тафаккур бир нечта ма’ноларга эга. Ушбу тушунчалар фикрлашнинг ривожланиш босқичларини, таҳлил қилиш қобилиятини, воқеликка муносабатини ифодалайди. Бу ўқитувчига, ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини рағбатлантириш учун танқидий тафаккурни ривожлантириш

технологиясида фойдаланадиган техникаси ва воситаларига боғлиқ. Танқидий тафаккур “баҳолаш” ва “ўз-ўзини баҳолаш”, “танқидийлик” ва “ўз-ўзини танқид қилиш”, “исботлаш” ва “рад этиш”, “танқидий таҳлил” каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Танқидий тафаккур маданияти амалда қўлланиладиган ишончли далилларнинг усуллари ва усулларини ўз ичига олади. Буларнинг барчаси шахсни ривожлантиришга, ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради.

Жуди Бруз ва Девид Вуд Танқидий тафаккурни акс эттирувчи фикрлаш деб билишади. Фикрлаш ўз “мен” ини англаш, объектив бўлиш, ўз нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда бошқа нуқтаи назарларни қабул қила олиш ва баъзан ўз хурофотларидан воз кечиш орқали шаклланади. Муаммоларни эчишда янги ғояларни илгари суриш ва уларни эчиш йўлларини кўриш имкониятига эга бўлиш керак.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Танқидий тафаккур технологиясининг асосчилари С. Темпле, К. Мередикт ва Д. Стилубежден Танқидий тафаккурни ўрганиш мумкин, аммо сиз билимга қизиқувчан бўлишингиз, ўзингизга саволлар беришингиз ва уларга жавоб топишингиз керак-деб таькидлашган.

«Танқидий тафаккур кўп даражаларда ишлайди, фактлар билан кифояланмай, балки ушбу фактларнинг сабаблари ва оқибатларини очиб беради. Танқидий тафаккур мулойим скептисизмни, умумий қабул қилинган ҳақиқатларга шубҳа қилишни, маълум бир масала бўйича нуқтаи назарни ривожлантиришни, уни мантиқий далиллар билан ҳимоя қилиш қобилиятини тахмин қилади. Танқидий тафаккур белгиланган маҳорат эмас, балки кўплаб кўникмаларнинг бирлашмасидир. "

Психологлар К. Вейд ва К. Таврис Танқидий тафаккурни ҳар хил баёнотларни баҳолаш ва яхши тўпланган далиллар асосида объектив ҳукм чиқариш, яъни объектив ҳақиқатга эришиш қобилияти деб биладилар. Танқидий тафаккурга бўлган эҳтиёж, берилган баёнотларни текширишда намоён бўлганлиги сабабли, яъни кимдир томонидан онгли равишда ёки онгсиз равишда йўлдан озиш эҳтимоли мавжудлигини англатади.

С.И.Заир-Бекнинг фикрича, танқидий тафаккур очиқ фикрлашдир. Бу янги ғояларни ривожлантиришни ўз ичига олади, баъзан ҳатто ҳаёт тажрибаси доирасидан ташқарига чиқади. Ўз эътиқодларингизни таҳлил қилиш қобилияти. Ўз ғояларини таҳлил қилиш, уларни бошқаларнинг қарашлари билан боғлаш.

И.Кант қарашларига асосланган танқидийлик, бу ҳолда уларнинг жамият ҳақидаги қарашларининг номукаммаллиги, номукаммаллиги нуқтаи назаридан қаралади.

Танқидий тафаккур - бу фаолият идрок этиш ва идрок этиш даражаси юқори бўлган одам кимдир танқидий фикрлай оладими? Жан Пиагетнинг ёзишича, 14-16 ёшгача Танқидий тафаккурнинг энг катта ривожланиши жараёни содир бўлади. Аммо шунга қарамай, фикрлаш ҳамма учун бир текис ривожланмайди ва кўплаб талабалар интеллектуал вазифаларни бажара олмайдилар. Кертис Мередит, Чарлз Темпле ва Жинни Стилл Танқидий тафаккур назариясини амалда қўлладилар. Кейин улар ўз ишларини педагогик технологияга олиб келишди. Натижани баҳолашнинг босқичлари, услубий техникаси ва мезонлари чиқарилди. Шу туфайли ҳозирги кунда кўплаб ўқитувчилар ушбу технологиядан фойдаланмоқдалар. Диана Ҳалперн Танқидий тафаккурни унинг ривожланиш нуқтаи назаридан ўрганади ва уни шакллантириш услубларини тавсия қилади. Ушбу техникалар ривожлантирувчи таълим технологиясига ўхшашдир. Ушбу технологиялар нафақат ташқи кўриниши, балки ички тузилиши билан ҳам ўхшашдир. Уларнинг асосий хусусияти - "қандай қилиб ўқитиш" муаммоси. Талабаларга олинган билимларни амалда ва ҳаётда қўллашга ўргатиш муҳимдир. Фақатгина китобларни ўқиш, танқидий тафаккур ривожланмайди, асосийси уни ривожлантириш учун муайян вазифаларни қўйишдир. Мактабда танқидий тафаккурни ривожлантиришга ҳар бир дарсда эътибор берилиши ва уларни амалда қўллашни ўрганиши керак. Ва келажакда ушбу тафаккурдан фойдаланилмаса ва ривожланмаса, уни ривожлантириш фойдасиз бўлади. Танқидий тафаккурни ривожлантириш ва ривожланиш қобилиятларини ривожлантириш учун доимий фикрлаш зарур. Бунга Сеарс ва Парсон алоҳида эътибор бериб, ўқувчилар ҳар бир дарсда самарали ишлаш учун мақсадларни белгилаш муҳимлигини таъкидладилар.

НАТИЖАЛАР

Асосий ҳатолар ўқувчиларнинг танқидий тафаккурга тайёр эмаслигидир. Сеарс ва Парсонс танқидий тафаккурни ривожлантиришда шаклланадиган фазилатларни аниқладилар, яъни режалаштиришга тайёрлик, эгилувчанлик, қатъиятлилик, хатоларини тузатишга тайёрлик, ўз фикрлаш жараёни ва ўзаро келишув ечимларини излашдан иборат.

Ривожланган танқидий тафаккур қобилиятлари керакли натижага эришишга имкон беради. Бунинг учун ҳар бир босқичда танқидий тафаккурнинг маълум

қобилиятлари ривожланиб борадиган дарсни семантик қисмларга ажратиш зарурати туғилади.

Бу, ўз навбатида, дарсга фойдали таъсир кўрсатади, чунки ўқитувчи ҳозирги пайтда қандай кўникмалар ва техникалар билан шуғулланаётганини кўради. Бу улардан мунтазам фойдаланишни талаб қилади.

Дарсда олинган материал, агар у дарсда тушунилган ва ишлаб чиқилган бўлса, яхшироқ эсда қолади ва ўқувчилар учун ҳам муҳимдир.

Фикрлашдаги асосий машқ нутқдир, нутқ эса ўз навбатида мураккаб билим фаолиятидир. Нутқ пайтида биз сўзларни танлаймиз, уларни грамматик жиҳатдан тўғри талаффуз қилишга ҳаракат қиламиз. Ва, аксинча, тингловчи сифатида, маърузачи нутқидан тингловчи томонидан қабул қилинадиган сўзлар ажратиб олинади ва шу тариқа одам нима деб ўйлаётганини билади.

Фикрлай оладиган одам қандай қилиб савол беришни билади. Ва бу, ўз навбатида, гапирувчига ҳам, тингловчига ҳам фойдали таъсир кўрсатади. Палинсар ва Браун ўқувчиларга етакчи саволлар берилганда, улар янги материалларни етакчи саволларсиз оддий маърузалардан кўра яхшироқ сингдиришини аниқладилар. Суҳбат давомида қандай қилиб тўғри саволлар беришни ўрганиш, ўқувчилар томонидан матнни тушунишни аниқлаш керак. Агар ўқувчилар ўзлари саволлар бериб, уларга ўзлари жавоб беришса, бу материални ўзлаштириш ва ёдлашга фойдали таъсир кўрсатадиган бўлса, бу жараён янада самарали бўлади. Жон Барелоп қуйидаги хусусиятларни тавсифлайди:

- муаммоларни ечишга қодир;
- муаммоларни ҳал қилишда талабчан;
- муаммоларни бошқалар билан ҳамкорликда ҳал қилиш;
- бошқаларни эшитишга қодир;
- янги маълумотларни қабул қилишга тайёр;
- ҳар хил нуқтаи назардан маълумотни кўриш;
- ҳодисалар орасидаги алоқаларни кўриш;
- ҳақиқий нуқтаи назардан фарқ қиладиган бўлса ҳам, турли хил қарашларни қабул қилиш;
- муаммоларни ҳал қилишнинг бир неча вариантларини кўриш;
- мантиқий хулосалар чиқариш;
- ўз ҳаракатлари ва ҳиссиётларини баҳолай олади;
- якуний натижани қандай кўришни ва кейинги мақсадларни белгилашни билади;
- олинган кўникма ва билимларни амалда қўллаш;

- қандай саволлар беришни билиш;
- фаол тингловчилар.

Р. Пол, Э. Бинкер, Э. Мартини ва К. Эдамсон қуйидаги кўрсаткичларни аниқладилар:

А) Аффектив:

1) ноанъанавий фикрлаш;
2) билимга қатъийлик;
3) объектив ҳукмлар;
4) ҳис-туйғулар ва эътиқодларнинг ўзаро таъсири принтсипи;
5) шошилинч қарорлардан воз кечиш;
6) фикрлашнинг қатъийлиги;
7) фикрлашнинг аниқлиги;
8) интеллектуал муаммоларни ҳал қилишда тиришқоқлик;
9) мулоҳаза юритишда қатъийлик.

Б) Макрокогнитив:

10) хулоса чиқариш қобилияти;
11) ўхшаш вазиятларнинг ўзаро боғлиқлиги, мавжуд билимларни янгиларига юклаш;
12) вазиятларни турли қирралардан, гипотезалардан таҳлил қилиш;
13) баёнотлар, хулосалар, эътиқодларнинг равшанлиги;
14) ўз фикрлари тақдимотининг равшанлиги;
15) мезонларни ишлаб чиқиш;
16) ахборотнинг ишончлилиги;
17) муҳим масалаларни таъкидлаш қобилияти;
18) аниқ эчимларни ишлаб чиқиш;
19) ҳаракатларни таҳлил қилиш / хулқ-атвор чизиғини ривожлантириш;
20) ўқишга аналитик ёндошиш;
21) мавзулараро алоқаларни ажратиб кўрсатиш;
22) диалог ўтказиш қобилияти;
23) ҳар хил қарашларни, ёндашувларни, гипотезаларни таҳлил қилиш;
24) диалогик фикр юритиш қобилияти: қарашларни, ёндашувларни, гипотезаларни баҳолаш;

С) Микрокогнитив:

25) воқеликнинг мавҳум тушунчаларини таққослаш;
26) баёнотларда конкретлик;
27) баёнотларни танқид қилиш;
28) хулосаларнинг интроспективаси;

29) керакли маълумотларни ажратиб олиш қобилияти;

30) хулосалар;

М.К.Кларининг таъкидлашича, АҚШда 80 йиллардан, Европа мамлакатларида эса 90 йиллардан бошлаб Танқидий тафаккурни ривожлантириш таълимнинг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Танқидий тафаккур мустақил ва ижтимоий тафаккурдир. Бундай фикрлашнинг бошланғич нуқтаси зарур далилларни топиб, саволлар беришдан ва ечилиши керак бўлган вазифаларни кўриб чиқишдан янги маълумотларни олишдир. Аргумент учта элементни ўз ичига олади. Асосий мезон - бу асосий ғоя. Тасдиқ аргументлар билан қўллаб-қувватланади. Исботлаш нуқтаи назаридан матндан парчалар, шахсий тажриба қўлланилади. Баҳснинг барча номланган элементлари остида - баёнот, мулоҳаза ва далиллар асос бўлиб, пойдевор барча баҳсларнинг асосидир.

Замонавий дунёда яшаш, ахборот оқимида ҳаракат қилиш ва муваффақиятли бўлиш ижтимоий танқидий тафаккурни ривожлантиришга ёрдам beradi. Ижтимоий танқидий тафаккур - бу инсоннинг жамият билан ўзаро таъсири, ижтимоий воқелик ҳақидаги қараш ва жамият ғоясини қайта аниқлашга тайёрликни ўз ичига олган ижтимоий воқеликнинг дизайни шунингдек, ижтимоий Танқидий тафаккур - бу ижтимоий ҳақиқатни англаш қобилияти ва мавжуд вазиятдан чиқиш йўлини кўриш, муҳим ҳаётий масалаларда асосли қарорлар қабул қилиш.

Ижтимоий ва Танқидий тафаккурни ривожлантиришга мактабдаги ижтимоий фанлар дарслари ёрдам беради. Улар замонавий дунёда талабаларнинг шахсий фазилатларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бундай фикрлаш бугунги таълимнинг тамал тошига айланиб бормоқда.

Таълимнинг асосий мавзуси - бу бола ва катталарнинг унга бўлган муносабати. Шу муносабат билан, бугунги кунда талабаларнинг ҳар томонлама ривожланишига, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган шахсга йўналтирилган технологиялар устувор вазифа ҳисобланади. Ушбу технологиялардан бири танқидий ривожланиш технологияси:

Гершунский "Танқидий тафаккурни ривожлантириш" технологиясининг қуйидаги мақсад ва вазифаларини ажратиб туради:

Хусусиятлари:

- маълум қарорларни қабул қилишда очиқлик, мослашувчанликни шакллантириш;

- шахсий фазилатларни ривожлантириш, фикрлаш ижодкорлиги, таълим жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан бағрикенглик, қарор қабул қилиш учун жавобгарлик; - аналитик фикрлашни ривожлантириш; Вазифа:

- сабабий муносабатларни ажратиб кўрсатиш;
- кераксиз ёки нотўғри маълумотни рад этиш;
- фикр юритишда хатоларни топиш;
- матнда акс этган созламалар бўйича хулосалар чиқариш;
- ўзларининг ҳукмларида туркумликдан қочиш;
- нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин бўлган сохта стереотипларни аниқлаш;
- ҳақиқат, тахминлар ва шахсий фикрларни ажрата билиш;
- олинган маълумотни сўроқ қилиш; - асосийдан асосийни аниқлаш.
- ўқиш маданиятини, манбалар билан ишлаш қобилиятини шакллантириш.
- мустақил ижодий фаолиятни рағбатлантириш.

МУҲОКАМА

Шундай қилиб, биз хулоса қилишимиз мумкинки, Танқидий тафаккур технологияси бу тизимда ва бутун таълим жараёнида шаклланадиган кўникма ва малакаларнинг бутун мажмуасидир. Аммо бу кўникмалар синфда фаол ўқитиш методларидан фойдаланилса ва ўқувчилар фаол тингловчилар бўлса, яъни янги маълумотларни фаол қидириб топсалар, ўрганганларини ўзларининг амалий тажрибалари билан ўзаро боғлашса тезроқ шаклланади. Ўқувчилар олган ҳар қандай маълумотларини сўроқ қилишни, ишончлилигини текширишни ўрганишлари керак ва ўқитувчининг вазифаси бунда уларга ёрдам беришдир. Ушбу технологияни мунтазам равишда қўллаш ўқувчиларда фикрлаш ва билиш фаолиятининг махсус услубини шакллантиришга ёрдам беради.

Танқидий тафаккур - бу турли усул ва усулларни оқилона қўллашдир. Ҳар бир талаба ўз фикрини ривожлантиришга ўрганади.

Технологиянинг мақсади: ўқувчиларни ўқув жараёнига фаол жалб қилиш орқали Танқидий тафаккурни ривожлантириш.

Танқидий тафаккурни ривожлантириш технологияси маълум методлар, услублар ва стратегияларни ва уларни ҳар бир дарсда босқичма-босқич амалга оширилишини назарда тутади.

Танқидий тафаккур технологиясининг маълум усуллари ва усулларини бирлаштириб, дарсларни режалаштириш мумкин, шу билан бирга ўқувчиларнинг қобилиятлари, ёш хусусиятлари, дарсга қўйилган мақсадларни ҳисобга олиш осон, бу ўқитувчилар учун жуда муҳимдир.

Педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар болани ривожлантиришга ёрдам беради ва бола қандай бўлиши кераклигини кўрсатмайди. Шу муносабат билан дарсларда қўлланиладиган техника ва усуллар махсус усулда ишлаб чиқилмоқда.

Айтилганларни умумлаштириб, педагогик технологиянинг қуйидаги хусусиятларини ажратиш мумкин: мақсаднинг мавжудлиги, ташхис қўйиш имконияти, тузилиши ва мақбул шароитга бўлган эҳтиёж. Аммо шунга қарамай, бу технология болаларнинг ривожланишига қаратилган бўлиб, ўқитувчиларга метод ва услубларни танлашга имкон беради, уларнинг педагогик фаолият шартлари билан ўзаро боғлиқлиги. Танқидий тафаккур технологияси жуда универсал ва назариядан амалиётга осонликча татбиқ этилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Айсмонтас Б. Б. Общая психология. Схемы. М., 2002. – 288 с.
2. Белкова Е. А. Активные и инновационные методы обучения. Обучение взрослых Ярославль. Академия Пастухова, 2010. - 259 с.
3. Борытко Н.М, Соловцова И.А.,. Байбаков А.М Педагогические технологии. Волгоград: ВГИПК РО, 2006.- 369 с.
4. Богоявленская Д.Б. Пути к творчеству. М.: Знание, 1986.- 297 с.
5. Браус Дж., Вуд Д. Инвайронметральное образование в школах / пер. с англ. М.:NAAEE, 1994. – 103 с.
6. Брушлинский А. В. Субъект: мышление, учение, воображение. М.: Издательство Московского психолого-социального института, 2008.- 348 с.
7. Бутенко А.В., Ходос Е.А. Критическое мышление: метод, теория, практика. Учеб.-метод. Пособие. М.: Мирос, 2002.- 407 с.
8. Глебова М. В. Основы проблемы развития продуктивного мышления // Психология, педагогика, социология.. М., 2001.- 272 с.
9. Дубровина И. В. Психология: учебник для студ. сред.мпед. учеб, заведений / под ред. И. В. Дубровина, Е. Е. Данилова, А. М. Прихожан. М.: «Академия», 2004.- 179 с.
10. Варенников, Я. Воспитывать культуру критического мышления / Я. Варенников // Высш. образование в России № 6. – 141 с.

REFERENCES

1. Айсмонтас Б. Б. Общая психология. Схемы. М., 2002. – 288 с.
2. Белкова Е. А. Активные и инновационные методы обучения. Обучение взрослых Ярославль. Академия Пастухова, 2010. - 259 с.

3. Борытко Н.М, Соловцова И.А.,. Байбаков А.М Педагогические технологии. Волгоград: ВГИПК РО, 2006.- 369 с.
4. Богоявленская Д.Б. Пути к творчеству. М.: Знание, 1986.- 297 с.
5. Браус Дж., Вуд Д. Инвайронметральное образование в школах / пер. с англ. М.:NAAEE, 1994. – 103 с.
6. Брушлинский А. В. Субъект: мышление, учение, воображение. М.: Издательство Московского психолого-социального института, 2008.- 348 с.
7. Бутенко А.В., Ходос Е.А. Критическое мышление: метод, теория, практика. Учеб.-метод. Пособие. М.: Мирос, 2002.- 407 с.
8. Глебова М. В. Основы проблемы развития продуктивного мышления // Психология, педагогика, социология.. М., 2001.- 272 с.
9. Дубровина И. В. Психология: учебник для студ. сред.мпед. учеб, заведений / под ред. И. В. Дубровина, Е. Е. Данилова, А. М. Прихожан. М.: «Академия», 2004.- 179 с.
10. Варенников, Я. Воспитывать культуру критического мышления / Я. Варенников // Высш. образование в России № 6. – 141 с.

DINIY BAG'RIKENGLIKNI TA'MINLASH – HARAKATLAR STRATEGIYASINING ASOSIY MAQSADLARIDAN BIRIDIR

Kamoliddin Baxodir o'g'li G'afforov
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Jismoniy madaniyat sirtqi ta'lim yo'nalishi 3-bosqich talabasi

ANNOTATSIYA

Maqolada Harakatlar Strategiyasining beshinchi ustuvor yo'nalishi bo'yicha O'zbekiston hududida diniy bag'rikenglik hamda tolerantlik masalasi ko'rsatilib o'tilgan.

Kalit so'zlar: din, tolerantlik, vijdon erkinligi, Markaziy Osiyo, musulmonlar idorasi.

ENSURING RELIGIOUS TOLERANCE IS ONE OF THE MAIN OBJECTIVES OF THE ACTION STRATEGY

Kamoliddin Bahodir ugli Gafforov
Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region
3rd year student of Physical Culture

ABSTRACT

The article addresses the issue of religious tolerance in the territory of Uzbekistan in the fifth priority area of the Action Strategy.

Key words: religion, tolerance, freedom of conscience, Central Asia, Muslim Board

KIRISH

Barchamizga ma'lumki, O'rta Osiyo, xususan, O'zbekiston hududi qadim zamonlardan madaniyati, urf-odatlari, tili va o'zining alohida turmush tarziga ega bo'lgan hamda bir-biriga o'xshamagan xilma-hil dinlarga e'tiqod qiluvchi ajoyib, yetuk allomalarni o'zida jam qila olgan o'lkadir.

Millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik masalasini isloh qilish va rivojlantirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi 4947-sonli qaroriga muvofiq 2017-2021-yillarga mo'ljallangan "Harakatlar strategiyasi"ning 5-yo'nalishi bo'lgan "Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash, chuqur yo'naltirilgan, o'zaro manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosatni yuritish" doirasida amalga oshirilayotgan diniy bag'rikenglik va

millatlararo totuvlik masalasi amalda o'z ifodasini topmoqda. Shu jumladan, bu ikki yo'nalish bir-biriga uzviy bog'liq va biri ikkinchisini to'ldirib keladi. Bu ikki manba ham davlat va xalq uchun o'ta muhim ahamiyatga ega yo'nalishlar hisoblanadi. Zero, Prezidentimiz ta'kidlaganidek: "Xavfsizlik, millatlararo totuvlik hamda diniy bag'rikenglikni ta'minlash, chuqur o'ylangan o'zaro manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosatni yuritish" orqali davlatimiz mustaqilligi va suverenitetini mustahkamlash bosh maqsadimizdir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

2017–2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi doirasida so'nggi 3 yil davomida **diniy bag'rikenglikni ta'minlash sohasida** quyidagi chora-tadbirlar amalga oshirildi:

-BMT Bosh Assambleyasi 2018-yilning 12-dekabr oyida o'tkazilgan yalpi majlisda "**Ma'rifat va diniy bag'rikenglik"** deb nomlangan maxsus rezolutsiyani qabul qildi. O'zbekiston tomonidan ishlab chiqilgan hujjat loyihasi BMTning barcha a'zo davlatlari tomonidan bir ovozdan qo'llab-quvvatlandi. Mazkur rezolutsiyani qabul qilish tashabbusi 2017-yil sentyabr oyida BMT Bosh Assambleyasining Nyu-Yorkdagi 72-sessiyasida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan ilgari surildi.

2018-yil 16-apreldagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo'yicha qo'mita faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-3668-sonli Qaroriga muvofiq Qo'mita huzurida faoliyat yuritadigan jamoatchilik-maslahat organi hisoblanmish Konfessiya ishlari bo'yicha kengashning yangi tarkibi tasdiqlandi. **Kengash tarkibi 9 tadan 17 ta** a'zoga – O'zbekistonda faoliyat yuritayotgan diniy konfessiyalar vakillari hisobiga kengaydi.

NATIJALAR

2018-yilning 16-aprelida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoev «Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-5416-sonli Farmonni imzoladi. Mazkur hujjat O'zbekistonda diniy ta'lim tizimining uzluksizligini ta'minlashga qaratilgan: boshlang'ich bosqichdan (o'rta maxsus islom ta'lim muassasalari yoki madrasalar) tortib, to oliy va undan keyingi diniy ta'limgacha edi.

2019-yil 4-sentabrdagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-4436-sonli qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo'yicha Qo'mitaning Ichki ishlar vazirligi, O'zbekiston Yoshlar Ittifoqi, O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi va fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari faoliyatini muvofiqlashtirish bo'yicha Respublika kengashi bilan jamiyatda vijdon erkinligi va diniy-ma'rifiy muhit barqarorligi kafolatlarini ta'minlash maqsadida mustahkam va doimiy hamkorlikni nazarda tutuvchi yangi tizim joriy etildi.

Bundan tashqari, Din ishlari bo'yicha qo'mita tarkibida ayollar bilan ishlash bo'limi tashkil etildi, shuningdek, ushbu yo'nalishdagi ishlarni nazorat qiluvchi rais o'rinbosari lavozimi ham joriy etildi. Xotin-qizlar o'rtasida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni muvofiqlashtirish bo'yicha Respublika targ'ibot guruhi tashkil etildi.

O'zbekiston Islom akademiyasi va Toshkent Islom universiteti negizida **O'zbekiston xalqaro Islom akademiyasi** tashkil etildi. Qoraqalpog'iston Respublikasi, Samarqand, Namangan va Surxondaryo viloyatlarida Akademiya tarkibidagi malaka oshirish Markazi hududiy filiallari tashkil etildi.

O'zbekiston xalqaro Islom akademiyasi huzurida "**Ziyo" media-markazi** tashkil etilib, u ajdodlarimizning diniy-ilmiy merosini keng targ'ib qilish, dinning haqiqiy insonparvarlik maqsadini hamda diniy-ma'rifiy hayotda sodir bo'layotgan yangiliklardan keng jamoatchilikni xabardor qilib borishni ta'minlovchi asosiy media-tuzilma hisoblanadi.

MUHOKAMA

O'zbekiston musulmonlari idorasi huzurida "**Vaqf" xayriya jamoat fondi** tashkil etildi. Uning asosiy vazifasi masjidlar, ziyoratgohlar, muqaddas qadamjolar va shu kabi boshqa ob'ektlarning rekonstruktsiyasini moliyalashtirish, ularni moddiy-texnik bazasini yaxshilash hamda ushbu soha xodimlarini moddiy qo'llab-quvvatlashdan iboratdir.

2018-yilning yanvar-aprel oylarida Respublika miqyosida bir necha bosqichdan iborat (tuman, shahar, viloyat, respublika) Qur'oni Karim tilovati bo'yicha qorilar ochiq musobaqasi tashkil etilib, unda 5 mingdan ziyod ishtirokchi qatnashdi.

O’zbekistonda Islom sivilizatsiyasi markazi, Imom Buxoriy va Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazlari tashkil etildi. Viloyatlarda kalom, hadis, fiqh, aqida ilmi va tasavvufni o’rganishga ixtisoslashgan **beshta ilmiy maktab** ochildi. Islom sivilizatsiyasi markazi tomonidan O’zbekistonda Markaziy Osiyo musulmon mutafakkirlarining jahon sivilizatsiyasi rivojidagi roliga bag’ishlangan 10 dan ortiq kitob va risolalar tayyorlandi. Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi tomonidan Imom Termiziy, Hakim Termiziy va termizlik boshqa olimlarning 20 dan ortiq asarlari o’zbek tiliga tarjima qilindi. Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi tomonidan Imom Buxoriy, Imom Moturidiy, Imom Nasafiy, Alouddin Usmondiy, Saffar Buxoriy va h.k. kabi ulug’ allomalar asarlarining aksariyati tarjima qilinib, 50 dan ziyod kitob nashr etildi.

Ayni paytda O’zbekiston Respublikasida jami **2276 ta**diniy tashkilot va **16 ta** diniy konfessiya faoliyat yuritib kelmoqda. Shulardan **2093** tasi musulmon tashkiloti, **166ta** xristian tashkiloti, **8ta** yahudiy jamoasi, **6ta** Baxoiylik jamiyati, **1 ta** krishnachilar jamiyati va **1ta** budda ibodatxonasi, shuningdek, O’zbekiston konfessiyalararo Bibliya jamiyati ham faoliyat ko’rsatmoqda.

2019-yilda O’zbekistonda **10 ta** yangi jome masjid ochildi, natijada masjidlarning umumiy soni **2066** taga yetdi. Bundan tashqari, mamlakat miqyosida **46 ta** jome masjid binosi butunlay qaytadan bunyod etilib, **225 ta** masjid kapital ta’mirdan chiqarildi. **2018-yilda** esa respublikada **13ta** jome masjidi qayta ochildi, **39** tasi yangi qurildi va qariyb **100** tasi qayta ta’mirlandi.

O‘zbekistonda Toshkent Islom universiteti, «Mir Arab» oliy madrasasi, Hadis ilmi maktabi, 9 ta madrasa, jumladan, 2 ta ixtisoslashtirilgan xotin-qizlar o’quv yurti, Toshkent pravoslav seminariyasi, Toshkent xristian seminariyasi kabi diniy ta’lim muassasalari faoliyat ko’rsatmoqda. 2020–2021 o’quv yilidan boshlab Termiz shahrida yangi madrasa ochilishi rejalashtirilgan.

Mustaqillik yillarida **308ming** nafar musulmon Saudiya Arabistoniga ziyorat uchun borgan bo’lsa, shulardan 130 ming kishi “Haj”, 178 ming kishi esa “Umra” amalini bajarishga muvaffaq bo’lgan. 2,5 ming xristian va yahudiylar Isroil, Rossiya, Turkiya, Italiya, Gruziya va Yunoniston kabi davlatlarning muqaddas diniy qadamjolariga tashrif buyurganlar. 2019-yildan e’tiboran O’zbekiston fuqarolari uchun “Umra” ziyoratlari kvotasi bekor qilindi. 2018-yildan boshlab “Umra” safari kvotasi 6 000 dan 10 000 ga oshirildi. Bugungi kunga kelib “Umra” qiluvchi fuqarolar soni 30 000 ga yetdi, “Haj” esa 5000 dan 7,200 ga ko’paydi.

So’nggi yillarda O’zbekistonda ekstremizmga qarshi kurashish chora-tadbirlarini amalga oshirishdagi yondashuvlar konseptual jihatdan qayta ko’rib chiqildi. Bunda asosiy e’tibor aholi o’rtasida profilaktika va tushuntirish ishlariga qaratildi. Ushbu sohada amalga oshirilayotgan barcha sa’y-harakatlar “Jaholatga qarshi ma’rifat” degan ezgu g’oyaga asoslangan.

2018-yilning sentabr oyida terroristik, ekstremistik yoki boshqa ta’qiqlangan tashkilot va guruhlarga adashib a’zo bo’lib qolgan O’zbekiston Respublikasi fuqarolarini jinoiy javobgarlikdan ozod qilish tartibi tasdiqlandi.

XULOSA

Ilgari to’g’ri yo’ldan adashgan va o’z xatti-harakatlariga chin dildan pushaymon bo’lgan fuqarolarga ma’naviy-axloqiy burchlarini ado etish uchun jamiyat va o’z oilalariga qaytish imkoniyati beriladi. Diniy ekstremistik oqimlarga aloqador shaxslarni reabilitatsiya qilishning muhim qadamlaridan biri, bu ularga nisbatan avf etish aktlarini qo’llash bo’ldi.

2020-yilning 3-4 mart kunlari Samarqand shahrida “Imom Moturidiy va moturidiya ta’limoti: o’tmish va bugun” mavzusidagi xalqaro konferensiya tashkil etildi. Ushbu tadbirda 15 mamlakatdan 55 nafar taniqli ulamolar, muftiylar, moturidiyshunos ekspertlar, 100 nafar mahalliy olim va tadqiqotchilar qatnashdi. Konferensiya yalpi majlisida 11 ta, sho‘ba yig’ilishlarida 32 ta ma’ruza tinglandi.

Ma’ruzalarda Imom Abu Mansur Moturidiy shaxsi va aqidaviy qarashlari, moturidiylikning mafkuraviy asosi, moturidiya kalom maktabiga oid yangi manbalar, ushbu ta’limotning bugungi kundagi ahamiyati haqida fikrlar bildirildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili”da amalga oshirishga oid Davlat siyosatini o‘rganish bo‘yicha ilmiy-uslubiy risola. – Toshkent, 2017.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” to‘g‘risidagi farmoni.

“Taraqqiyot strategiyasi” markazi Axborot xizmati manbasi ("Taraqqiyot strategiyasi" markazining rasmiy kanali) 2020-yil 15-iyul.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili”da amalga oshirishga oid Davlat siyosatini o‘rganish bo‘yicha ilmiy-uslubiy risola. – Toshkent, 2017.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” to‘g‘risidagi farmoni.
3. “Taraqqiyot strategiyasi” markazi Axborot xizmati manbasi ("Taraqqiyot strategiyasi" markazining rasmiy kanali) 2020-yil 15-iyul.

HARAKATLAR STRATEGIYASI VA MILLIY TA'LIM TIZIMI MUAMMOLARI

Jasur Salixov
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti
Jismoniy madaniyat sirtqi ta'lim yo'nalishi 3-bosqich talabasi

ANNOTATSIYA

Maqolada Harakatlar strategiyasining Besh ustuvor yo'nalishi batafsil yoritilgan bo'lib, undan 4-tashabbus "Yoshlarni kitobxonlikka jalb qilish" masalasiga alohida e'tibor berilgan.

Kalit so'zlar: strategiya, oliy ta'lim, ijtimoiy himoya, dolzarb, xalq ta'limi.

ACTION STRATEGY AND PROBLEMS OF THE NATIONAL EDUCATION SYSTEM

Jasur Salikhov
Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region
3rd year student of Physical Culture

ABSTRACT

The article details the Five Priorities of the Action Strategy, with the 4th Initiative focusing on Youth Involvement in Reading.

Keywords: strategy, higher education, social protection, actual, public education.

KIRISH

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi Farmoni bilan Harakatlar strategiyasini «Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili»da amalga oshirishga oid Davlat dasturining «Ijtimoiy sohani rivojlantirish» deb nomlangan 4-yo'nalishida maktabgacha ta'lim muassasalarining qulayligini ta'minlash, umumiy o'rta, o'rta maxsus va oliy ta'lim sifatini yaxshilash hamda ularni rivojlantirish chora-tadbirlari haqida batafsil yoritiladi. Mazkur yo'nalishda ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohasini rivojlantirishga, har tomonlama barkamol, ma'nan yetuk, va shu bilan bir qatorda, yuqori malakali mutaxassislarni tarbiyalashga alohida e'tibor beriladi. Bu esa yoshlarga oid davlat siyosatini butun choralar bilan takomillashtirishni taqozo etadi. Hujjatda ta'lim muassasalarining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, yangi ta'lim muassasalarini qurish, ta'mirlash va kapital ta'mirlash barobarida, zamonaviy o'quv va laboratoriya jihozlari, kompyuter texnikasi va o'quv-metodik qo'llanmalar bilan ta'minlash nazarda

tutilgan. Ahamiyatga molik jihati shundaki, mazkur hujjat o'z ichiga ta'lim tizimini bog'chadan to oliy ta'lim muassasasigacha takomillashtirish, sifat va samaradorligini oshirish bo'yicha qator dolzarb maqsad-vazifalarni qamrab olgan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Harakatlar strategiyasiga muvofiq 2017-2021 yillarda oliy ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish Dasturini ishlab chiqish, o'quv dasturlarini yanada takomillashtirish, pullik xizmatlar ko'rsatish va moliyalashtirishning qo'shimcha manbalarini izlashda oliy o'quv yurtlarining vakolatlarini kengaytirish yo'li bilan ularning mustaqilligini bosqichma-bosqich rivojlantirish nazarda tutilgan. Buning natijasi o'laroq, 2019-yilning 8-oktabrida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni e'lon qilindi. Ushbu farmonda oliy ta'lim tizimini tubdan isloh qilish bo'yicha bir qator vazifalar belgilangan. Jumladan, Farmonda quyidagilar nazarda tutilgan:

-oliy ta'lim sohasida davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish, hududlarda davlat va nodavlat oliy ta'lim muassasalari faoliyatini tashkil etish asosida oliy ta'lim bilan qamrov darajasini 50 foizdan oshirish, sohada sog'lom raqobat muhitini yaratish;

-O'zbekiston Milliy universiteti va Samarqand davlat universitetini mamlakatimiz oliy ta'lim muassasalarining flagmaniga aylantirish; respublikadagi kamida 10 ta oliy ta'lim muassasasini xalqaro e'tirof etilgan tashkilotlar (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education yoki Academic Ranking of World Universities) reytingining birinchi 1 000 ta o'rindagi oliy ta'lim muassasalari ro'yxatiga, shu jumladan, O'zbekiston Milliy universiteti va Samarqand davlat universitetini birinchi 500 ta o'rindagi oliy ta'lim muassasalari ro'yxatiga kiritish;

-oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o'tkazish;

-xalqaro tajribalardan kelib chiqib, oliy ta'limning ilg'or standartlarini joriy etish, jumladan, o'quv dasturlarida nazariy bilim olishga yo'naltirilgan ta'limdan amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim tizimiga bosqichma-bosqich o'tish;

-oliy ta'lim mazmunini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga munosib hissa qo'shadigan, mehnat bozorida o'z o'rnini topa oladigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yo'lga qo'yish;

-oliy ta'lim muassasalarining akademik mustaqilligini ta'minlash;

-oliy ta'lim muassasalarida ta'lim, fan, innovatsiya va ilmiy-tadqiqotlar natijalarini tijoratlashtirish faoliyatining uzviy bog'liqligini nazarda tutuvchi "Universitet 3.0" konsepsiyasini bosqichma-bosqich joriy etish;

-xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish, pullik xizmatlar ko'lamini kengaytirish va boshqa budjetdan tashqari mablag'lar hisobiga oliy ta'lim muassasalarida texnopark,

forsayt, texnologiyalar transferi, startap, akselerator markazlarini tashkil etish hamda ularni tegishli tarmoq, soha va hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini tadqiq qiluvchi va prognozlashtiruvchi ilmiy-amaliy muassasalar darajasiga olib chiqish;

-oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari, ilmiy izlanuvchilari, doktorantlari, bakalavriat va magistratura talabalarining yuqori impakt-faktorga ega nufuzli xalqaro ilmiy jurnallarda maqolalar chop etishi, maqolalarga iqtiboslik ko'rsatkichlari oshishi, shuningdek, respublika ilmiy jurnallarini xalqaro ilmiy-texnik ma'lumotlar bazasiga bosqichma-bosqich kiritilishini ta'minlash;

-oliy ta'limning investitsiyaviy jozibadorligini oshirish, xorijiy ta'lim va ilm-fan texnologiyalarini jalb etish;

-talaba-yoshlar ta'lim-tarbiyasi uchun qo'shimcha sharoitlar yaratishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlarni o'z ichiga olgan beshta tashabbusni amaliyotga tatbiq etish;

-oliy ta'lim muassasalarining infratuzilmasi va moddiy-texnik bazasini, shu jumladan, xalqaro moliya institutlarining imtiyozli mablag'larini keng jalb qilish hisobiga yaxshilash, ularni bosqichma-bosqich o'zini o'zi moliyalashtirish tizimiga o'tkazish va moliyaviy barqarorligini ta'minlash;

-ta'limning ishlab chiqarish korxonalari va ilmiy-tadqiqot institutlari bilan o'zaro manfaatli hamkorligini yo'lga qo'yish;

-aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlari, shu jumladan, imkoniyati cheklangan shaxslarning oliy ta'lim bilan qamrov darajasini oshirish, ular uchun infratuzilmaga oid sharoitlarni yaxshilash.

NATIJALAR

Mazkur Farmon ijrosini ta'minlash yuzasidan oliy ta'lim vazirligi tomonidan 2030-yilga qadar respublikadagi kamida 10 ta oliy ta'lim muassasasini xalqaro e'tirof etilgan tashkilotlar (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education yoki Academic Ranking of World Universities) reytingining birinchi 1 000 ta o'rindagi oliy ta'lim muassasalari ro'yxatiga, shu jumladan, O'zbekiston Milliy universiteti va Samarqand davlat universitetini birinchi 500 ta o'rindagi oliy ta'lim muassasalari ro'yxatiga kiritishni, bunda mazkur oliy ta'lim muassasalarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning zamonaviy mexanizmlarini joriy etishni nazarda tutuvchi chora-tadbirlar rejasi ishlab chiqilib Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlandi. Bugungi kunda respublikamizdagi bir qancha oliy ta'lim muassasalari kredit-modul tizimiga o'tmoqda.

MUHOKAMA

Yana bir masala – oliy ma'lumotli kadrlarimizning xalqaro mehnat bozorida raqobatbardoshligini oshirishdir. Bugungi kunda dunyoning rivojlangan davlatlari kadrlar tanlashda Bolonya deklaratsiyasiga tayanmoqda. Shu bois mamlakatimizning mazkur xalqaro hujjatga qo'shilish masalasi ko'rib chiqiladi. Bu milliy oliy ta'lim tizimini jahon

amaliyoti bilan uyg'un rivojlantirish, kadrlar tayyorlash sifati keskin oshirishga xizmat qiladi.

Shu bilan birga, hududlardagi oliy o'quv yurtlari uchun ilmiy-pedagogik kadrlar zaxirasi yaratish, tayanch oliy ta'lim muassasalarida magistratura va doktoranturaga maqsadli qabul tashkil etilishining ko'zda tutilishi bugungi kunda ko'zga yaqqol tashlanib kelayotgan bo'shliqning yechimini topishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bundan tashqari, Harakatlar strategiyasiga asosan ishlab chiqiladigan ilm-fan sohasini yanada rivojlantirishning kompleks chora-tadbirlar dasturiga muvofiq ilmiy-tadqiqot muassasalarining innovatsion infratuzilmasini rivojlantirish, istiqbolli sohalarda kichik innovatsion korxonalar, texnoparklarni tashkil etish hamda intellektual mulk obyektlariga bo'lgan huquqlarni (mualliflik huquqi, turdosh huquqlar, ixtirolarga bo'lgan huquqlar va boshqalar) buzganlik uchun javobgarlikni, shuningdek bu sohadagi davlat nazoratini kuchaytirish belgilangan. Ta'lim va fan sohasini rivojlantirish bo'yicha davlatimiz hamda hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan siyosatning ma'no-mazmunidan va uning dolzarbligidan kelib chiqib, uni quyidagicha izohlash mumkin:

birinchidan, yangi ta'lim tizimi, barkamol avlod kadrlarini tayyorlashdagi o'zgarishlar va yangicha yondashuvlar, zamonaviy kasb sohalarining paydo bo'lgani hamda uning mamlakatimiz sharoiti bilan bog'liqligidir;

ikkinchidan, ta'lim tushunchasi ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot natijasida muayyan davrdan boshlab, inson faoliyatining alohida mustaqil sohasiga aylanib, jamiyatning ijtimoiy tajribasini keyingi bosqichga uzatadi;

uchinchidan, ta'lim inson shaxsining intellektual-ma'naviy qirralarini shakllantirish, uning jamiyat ishlab chiqarishi va ijtimoiy, siyosiy, madaniy, ma'rifiy hayotida faol va muvaffaqiyatli ishtirokini ta'minlashga qaratilgan harakatlar yig'indisi bo'lib, ma'rifat hamda bilim berishni anglatadi;

to'rtinchidan, fan jamiyatning ijtimoiy institutlaridan biri bo'lib, tabiat va jamiyat hayotini aks ettiruvchi ijtimoiy ong shakli.

U katta ilmiy salohiyatni, ijodiy kuch-quvvatni birlashtirib, ma'naviy barkamol insonni tarbiyalashga, mamlakatda qudratli ilmiy salohiyatni yaratishga xizmat qiladi. Yana shuni ta'kidlash lozimki, Harakatlar strategiyasida kam ta'minlangan oilalar va ularning bolalarini davlat tomonidan moddiy qo'llab-quvvatlashga alohida e'tibor karatilgan ularni maktablarda va bog'chalarda alohida o'qitish tashkil etilgan. Mehnatga layoqatsiz bolalarni individual, ya'ni yakka tartibda o'qitish yo'lga qo'yilgan. Bu boradagi ishlarni to'g'ri tashkil qilish uchun hukumat tomonidan Xalq ta'limi vazirligiga bir qancha topshiriqlar yuklatildi. Bu boradagi ishlar nafaqat umumiy o'rta ta'lim, balki Oliy ta'lim tizimida ham tashkil etildi. Mehnatga layoqatsiz yoki nogironligi bo'lgan yoshlarga ham e'tibor qaratilmoqda. Misol uchun, 2018-2019-o'quv yilidan boshlab ana shunday yoshlarga oliy ta'limda davlat granti asosida o'qish imkoniyati yaratildi.

XULOSA

Bugungi yaratilayotgan ta’lim tizimidagi sharoitlar yanada rivojlantirilib har yangi o’quv yilida oliy ta’limda qabul kvotalarini yanada ko’paytirish yo’lga qo’yilmoqda. Davlat granti qabulini oshirish va to’lov shartnoma asosida o’quvchi talabalar sonini oshirib davlatimiz o’sib kelayotgan har bir yosh avlodni oliy ma’lumotga ega qilib jamiyat uchun kerakli kadrlarni tayyorlashda asosiy omil bo’lib xizmat kilmoqda. Keyingi yillarda respublikamizda ijtimoiy sohaga yo’naltirilgan xarajatlar hajmi 5 barobarga ko’paytirildi. Har yili davlat byudjetining qariyb 60 foizi sog’liqni saqlash, ta’lim, kommunal xo’jalik, aholini ijtimoiy himoya qilish sohalaridagi vazifalar ijrosiga yo’naltirilmoqda. Jamiyat ijtimoiy sohasining eng muhim tarkibiy qismlaridan biri ta’lim-tarbiya sohasi bo’lib, uning rivoji siyosiy-huquqiy, iqtisodiy va ma’naviy sohalarga bevosita ta’sir etadi hamda ijtimoiy sohalar me’yoriy mohiyatini, kamolot darajasini belgilab beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida /Rasmiy nashr/ O’zbekiston Respublikasini Adliya vazirligi. – T.: Adolat, 2018.
2. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash- yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag’ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruza. 2016-yil 7-dekabr. –T.: O’zbekiston NMIU, 2017.

REFERENCES

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida /Rasmiy nashr/ O’zbekiston Respublikasini Adliya vazirligi. – T.: Adolat, 2018.
2.Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash- yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag’ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruza. 2016-yil 7-dekabr. –T.: O’zbekiston NMIU, 2017.

LINGUISTICS AND ITS MODERN TYPES

Nursulton Zamon ugli Shaykhislamov
Chirchik State Pedagogical Institute

Kudratbek Shavkat ugli Makhmudov
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article discusses the current types and trends in modern linguistics.

Keywords: linguistics, terminology, sociolinguistics, static linguistics, computer linguistics

INTRODUCTION

The term linguistics is actively used in a number of European countries: English, French, German, Spanish, Russian and other languages, and refers to the science of language. The root of the word is lingua, which means language. Consequently, the Uzbek alternative to the term linguistics is linguistics, which is synonymous with each other.

Linguistics, or linguistics, studies and analyzes the communication tool - language as a system - as a whole object, a complex social phenomenon. In the process, it comes in many forms. This is due to the nature of language, which has a social character, the need to study and study it from different angles, and the fact that this is absolutely true from a scientific point of view.

RESULTS AND DISCUSSTION

Linguistics is a powerful symbol of spirituality, which is reflected in the study of the language, which is the wealth of the nation, in the following ways:

1. Dynamic linguistics.
2. Static linguistics.
3. Synchronous linguistics.
4. Diachronous linguistics.
5. Intralinguistics.
6. Extralinguistics.
7. Paralinguistics.
8. Psycholinguistics.
9. Sociolinguistics.
10. Mathematical linguistics.
11. Computer Linguistics.
12. Cognitive linguistics.
13. Pragmalinguistics.
14. Linguoculturalology.

1. Dynamic linguistics. Dynamic linguistics mainly studies language in its real existence, in the active performance of various tasks in the communicative process, in "development" and change.

2. Static linguistics. Static linguistics distinguishes and describes a specific period (segment) of language activity that is fully synchronized. This field of linguistics, unlike dynamic linguistics, which is completely alienated from the process of development and change in language, examines the state of a certain "stagnant" part of language in relation to the present-day period.

3. Synchronous linguistics. Simultaneous linguistics is inextricably linked with static and structural linguistics and serves to describe the "stagnant" and "stable" state of a language in a given period.

4. Diachronous linguistics. Diachronous linguistics is inextricably linked with dynamic and atomistic linguistics, and studies the laws and consequences of the development of language and the development of language units.

5. Intralinguistics (internal linguistics). Internal linguistics studies the systematic relationship of language units, regardless of extralinguistic factors. Sources of research in internal linguistics include phonology, lexicology, and grammar.

6. Extralinguistics (external linguistics). Foreign linguistics studies the development and function of language in relation to socio-political, socio-historical, ethnic, and geographical factors. Accordingly, this linguistics examines language as a social phenomenon.

7. Paralinguistics. Paralinguistics is directly related to the activity of speech, the movement of hands and face (gestures, facial expressions), which is a constant companion of speech, which occurs simultaneously with the expression of ideas in the speech process, the height of speech, expressive- is an area that explores a number of aspects, such as emotional painting.

8. Psycholinguistics. Psycholinguistics as a generalization (synthesis) of psychology and linguistics studies the speech process in terms of content, communicative significance, the orientation of the speech act to a specific socio-practical goal, and its relevance. He pays special attention to the unity of form and content in speech.

Psycholinguistics is the study of the formation and acceptance of speech units on the basis of linguistic possibilities, the state of mind in the speech process (exchange-expression and comprehension), including conditions (situations), similarity (analogy), differentiation, sensitivity, so pays special attention to the mood of the listener and the listener.

9. Sociolinguistics. Sociolinguistics is a necessary and logical connection between the sciences of sociology and linguistics and deals with the relationship between society and language (language and society). He interprets language as a social phenomenon. In this regard, the most important problem of sociolinguistics is to study the nature of

language as a social phenomenon, to determine its place and importance in society, in the science of linguistics.

Sociolinguistics mainly studies the relationship between language and social relations, social life, developmental events, facts, and the reasons for this connection. In fact, this field analyzes the social life of language in the life and development of society, that is, the events, processes, changes that occur as a result of the influence of external extralinguistic factors (factors). Thus, sociolinguistics studies how social factors affect language, how they are reflected in the language system, and how they are reflected.

It should be noted that sociolinguistics expands its activities with the use of statistics, censuses and questionnaires.

10. Mathematical linguistics. Mathematical linguistics examines the application of mathematical methods (eg, statistical methods, information theory, etc.) in the study and description of language.

11. Computer Linguistics. Computer linguistics is a branch of applied linguistics whose main purpose is to solve linguistic problems by means of a computer, directly under its "guidance". More precisely, computer linguistics is actively involved in a number of processes, such as language teaching, assessment of knowledge in a particular subject, editing texts, translating from one language to another, conducting statistical research.

12. Cognitive linguistics. Cognitive linguistics is one of the newest branches of linguistics. This linguistics arose from the necessary interdependence of the sciences of cognitology and linguistics in order to work together.

13. Pragmalinguistics. Pragmatic linguistics is the result of a new stage of cognitive (empirical) research, research, formed on the basis of the achievements of structural linguistics. It takes as a system the state of use of the linguistic unit, the speech activity. Accordingly, it studies and examines a particular unity in speech activity, in reality, in the manifestation of speech, in cooperation with various non-linguistic factors and at different levels, in relation to them.

14. Linguoculturalology. Linguoculturalology was formed on the basis of linguistics, cultural studies, ethnography, psycholinguistics. He studies the relationship and influence of culture, ethnos, national mentality on the principles of anthropocentric paradigm.

CONCLUSION

In short, the science of linguistics as a whole, as noted, studies the language system through its various features, areas, with all its essence, complexity, with infinite communicative possibilities. In the same process, it interacts with a number of disciplines, actively participates in the coverage of the most pressing and complex issues such as language and society, language and history, language and development, language and thinking, language and speech.

Linguistics serves to confirm and prove that language is a tool of communication, one of the most important, basic, unique criteria for the development and prosperity of society. It also helps the learner to develop creative thinking, to think in the mother tongue and the peculiarities of the structure of the mother tongue, to be radically different from other languages. by absorbing the "self" reflection of the world, it serves as a solid foundation in the formation of national consciousness, national outlook, national pride and ideology.

REFERENCES

1. Rasulov R. Umumiy tilshunoslik. Toshkent – 2017
2. Shaykhislamov, N. (2020). Main Directions and Interactive Methods of Student Speech Growth in Uzbek Language Classes. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(7), 115-120.
3. Shaykhislamov, N. (2020). Semantic and Linguocultural Features of English and Uzbek Proverbs with Concept of Friendship. *Студенческий вестник*, *28*(126), 29-30.
4. Shaykhislamov, N. (2020). The Significance and Significance of Modern Linguistic Trends in Uzbek Linguistics. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 16-18.
5. Shayxislamov, N. (2020). Linguoculturology as a Factor in the Formation of Speech Culture. *Хорижий тилларни ўргатишда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда долзарб усуллари*, 402-403.
6. Shayxislamov, N. (2020). Ona tili darslarida o‘quvchilar nutqini o‘stirishning asosiy yo‘nalishlari. *Science and Education*, *1*(4), 174-179.
7. Shayxislamov, N., & Maxmudov, Q. (2020). Boshlang‘ich sinflarda ingliz tilini o‘rgatishda boshqa fanlar bilan bog‘lab o‘qitish (integratsiya)dan foydalanish. *Tilning leksik-semantik tizimi, qiyosiy tipologik izlanishlar va adabiyotshunoslik muammolari*, (11), 111-113.
8. Shayxislamov, N. Z. (2020). Tilshunoslik keng qamrovli fan sifatida. *UzACADEMIA*, *1*(1), 156-158.

TA’LIM MUASSASALARIDA HUQUQIY TA’LIM-TARBIYANING ZARURATI

Farhodjon Anvarjon o'g'li Ibrohimov
TVCHDPI Ijtimoiy fanlar kafedrasi o`qituvchisi
alegro2209@mail.ru

ANNOTATSIYA

Maqolada oliy ta’lim tizimida huquqiy talimning ahamiyati va uning zarurligi so`nggi islohotlar misolida tushuntirilgan. Yurtimizda tom ma’nodagi huquqiy demokratik davlat – aynan yosh kadrlarimizning huquqiy madaniyati darjasiga bevosita bog`liqligi ochib berilgan.

Kalit so`zlar: huquqiy xulq-atvor, huquqiy nigilizm va idealizm, ta’lim, tarbiya, kreativ metodlar, huquq va burch, fuqarolik burchi, huquqiy madaniyat.

THE NEED FOR LEGAL EDUCATION IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Farhodjon Anvarjon ugli Ibrohimov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region
alegro2209@mail.ru

ABSTRACT

The article explains the importance and necessity of legal education in the higher education system on the example of recent reforms. It has been revealed that a truly democratic state based on the rule of law in our country is directly related to the level of legal culture of our young people.

Keywords: legal behavior, legal nihilism and idealism, education, upbringing, creative methods, law and duty, civic duty, legal culture.

KIRISH

Ta’lim va tarbiya barcha davrlarda ham taraqqiyotning harakatlantiruvchi omili vazifasini o`tagan. Buni o`z vaqtida tushungan mamlakatlarda ta’lim samaradorligi boshqa mamlakatlarni qiynayotgan ko`plab ijtimoiy muammolarning yechimi bo`lib xizmat qilmoqda. Xususan, ta'lim samaradorligi bilan o'z o'rniga ega bo'lgan Finlandiya davlatining Milliy maktablar boshqaruvi raisi, professor Erkki Axo ta'lim jarayonini zamon talabida modernizatsiya qilishning axamiyati haqida to`xtalib, “Globallashuv jarayoni va raqamli texnologiyalar mehnat bozoridagi ahvolni juda ham

o'zgartirib yubordi, ijtimoiy va hududiy tengsizlik muammosi o'sish bilan xavf solmoqda, migratsiya an'anaviy madaniy tuzilmalarni zaiflashtirmoqda... Shuning uchun ham *bizning tirik qolish strategiyamiz ta'lim manbalari va ilmiy tadqiqot ishlarimizga asoslangan holda ishlab chiqilmoqda*" deya ta'kidlagn edi[1].

Bugungi XXI asrda ijtimoiy munosabatlar shu darajada tezlashdiki, buning natijasida insonlarning axborotlarni qabul qilishi, bu ijtimoiy munosabatlarga huquqiy idealistik kayfiyat bilan munosabatda bo`lishligi qiyinlashib bormoqda. Bu esa barcha insonlarning amaldagi huquq me'yorlari bilan talab darajasida tanish bo`lishligini taqozo etadi. Ayni vaqtda yurimiz ta'lim muassasalarida huquqiy ta'limning ahvoli qanday? Yurtimizda olib borilayotgan islohotlar va ularning huquqiy asosiga keng aholi vakillari qanday munosabatda bo`lishmoqda? Bugungi huquqiy ta'limimiz jadal rivojlanayotgan iqtisodiy-ijtimoiy jarayonlar vaqtida mahoratli kadrlar bilan qay darajada ta'minlamoqda?..

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O`zbekiston taraqqiyotining bugungi bosqichida mamlakatda islohotlar ko`lami to`g`risida to`xtalib davlatimiz rahbari shunday deydi: "Jamiyatni siyosiy, ijtimoiy va iqtisodiy modernizatsiya qilish bo'yicha keng ko'lamli chora-tadbirlarimiz natijasida yangi O'zbekiston shakllanmoqda. Bugungi kunda mamlakatimizdagi demokratik o'zgarishlar ortga qaytmaydigan tus oldi"[2].

Qaysi mamlakatki, uning xalqi hukumat siyosatini to`laqonli tushunib yagona maqsad bilan uni qo`llab-quvvatlamasa, bu islohotdan ko`zlangan vazifalar natijasi barchaga ayon. Shu bois ayni damda yurtimizda barcha sohada kadrlar tayorlash tizimini qayta ko`rib chiqilmoqda. Xususan, huquqiy ta'lim tizimida ham. Yuksak huquqiy madaniyat demokratik jamiyat poydevori hamda huquqiy tizim etukligining ifodasidir. U jamiyatdagi turli xil hayotiy jarayonlarga faol ta'sir ko'rsatuvchi, fuqarolarning, barcha ijtimoiy guruhlarning jipslashuviga ko'maklashuvchi, jamiyatning yaxlitligi hamda batartibligini ta'minlovchi va mustahkamlovchi omildir. Qonunni hurmat qilish huquqiy jamiyatning, siyosiy va huquqiy tizimlar samarali faoliyat ko'rsatishining asosiy talablaridan biri hisoblanadi.

O`rta, o`rta maxsus, professional, oliy ta'lim tizimimizda bugungi kun huquqiy fanlarining o`qitilish jarayoni qanday? Bu holat barchani o`yga toldirishi tabiiy. Negaki ixtisoslashgan ta'lim muassasalari bo`lmish Toshkent davlat yuridik universiteti, huquqshunoslik kollejlari, yuridik litseyni aytmasa, qolgan ta'lim muassasalarida huquq fanlari "2-darjali fan" sifatida qarab qolingan. Bu esa ko`plab soha vakillarida o`z burchini unutib qo`yishlikka, bora-bora huquqiy nigilistik kayfiyat shakllanishiga olib kelmoqda. Axborot bilan ta'minlanish imkoniyati ortib borishi, qulayliklarning

ortishi jarayoni bilan bugungi yosh avlodning huquqiy madaniyat ko`rsatkichlari teskari proporsional holda o`sib bormoqda.

Olib borilayogan islohotlarga ko`plab aholi qatlamlari keng qismi befarqlik bilan qarashi ham avvalo ana shu omil – huquq fanlaridan yetarli darajada saboq olmayotganligining oqibati deya olamiz.

1997-yilda “Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish milliy dasturi” qabul qilindi, 2001-yil 4-yanvarda “O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini o`rganishni tashkil etish to`g`risida”gi Prezident farmoyishi e’lon qilindi, 2019-yil 9-yanvardagi “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida”gi Prezident Farmoni, 2019-yil 20 –apreldagi “Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish bo‘yicha tadbirlarni monitoring qilish va baholash to‘g‘risida”gi Nizomning qabul qilinishi, bularning barchasi aynan huquqiy savodxonlikni yuksaltirish, provardida mamlakatdagi keng ko`lamli islohotlarga barchani o`z huquq va burchlari doirasida faol ishtirokini ta’minlash maqsadining huquqiy asosi hisoblanadi. 2001-yilgi Prezident farmoni asosida barcha ta’lim muassasalarida Konstitutsiyani o`rganish kurslari joriy qilindi.

Yuqorida nomi keltirilgan Nizomda shunday deyilgan: “Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish bo‘yicha tadbirlarni monitoring qilish va baholashning asosiy maqsadi aholining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirishga doir huquqiy targ‘ibot tadbirlarining samaradorligini oshirish, bu borada davlat organlari va tashkilotlarning mas’uliyatini kuchaytirish hamda huquqiy targ‘ibot tadbirlarini tashkil qilish bo‘yicha yangi innovatsion uslublarni joriy qilish bo‘yicha takliflar ishlab chiqish va amalda tatbiq etishdan iborat”[3].

MUHOKAMA

Shiddatli islohotlar jarayonida jamiyatda huquqiy madaniyatni shakllantirish, har bir inson, u rahbar yoki oddiy kishi bo‘ladimi, Konstitutsiya va qonunlarni, boshqalarning huquq va erkinliklari, sha’ni va qadr-qimmatini hurmat qilishi kundalik qoida va odatga aylanishiga erishish muhim sanaladi. Negaki, qonunlar ishlagandagina, ular yaxshi samara beradi. Qonunlar esa ularga rioya etilsa, rioya etilishi talab qilinsagina ishlaydi. Buning uchun hamma huquqshunos bo‘lishi shart emas. Bugun jamiyatimizda har bir fuqaro, avvalo, o‘z sohasidagi qonunlarga rioya etsin, qonunni chetlab o‘tish degan fikrni xayolidan umuman chiqarib tashlasin, degan g‘oya ilgari surilayapti. Negaki, davr har bir fuqaro faqat javobgarlikdan qo‘rqib emas, balki ta’qiqlangan yo‘ldan yurish yomonligini tushunib, o‘sha yo‘ldan yurmasligini, qoidalar ularning foydasiga ishlashini anglab, ularni hurmat qilish talabini qo‘ymoqda. Qonunlarni hurmat qilish bu *huquqiy madaniyatdir*. Aksincha jamiyatda qabul qilingan

huquqiy me’yorlani mensimaslik, ularga amal qilmaslikka undaydigan holat – kishida huquqiy nigilistik xulq-atvor shakllanganligidan darak beradi. Aynan huquqiy madaniyatli fuqarolar – islohotlarning oddiy kuzatuvchisi emas, balki bevosita hayotga tatbiq etuvchisi, ijrochisi, kerak bo‘lsa, tashabbuskori bo‘lishi shart. Bu borada boshqacha yo‘l yo‘q va bo‘lishi ham mumkin emas. Har bir fuqaro qonunlar kelajagi uchun foydali ekanini anglasagina, jamiyat madaniy rivojlanish pillapoyalaridan ko‘tarilaveradi. Hozirgi kunda mamlakatimizda fuqarolarning huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirishga katta e’tibor qaratilayotganligining sabablaridan biri ham shudir.

Pedagogik ta’lim muassasalarida yuridik ta’lim faqatgina Oliy ta’limning Huquq ta’limi yo`nalishi talabalari uchun qoldirilgandi. Bu esa boshqa mutahasis kadrlarning jamiyatd amalda bo`lgan va yangi qabul qilnayotgan normativ-hujjatlar bilan qiziqishining susayishiga olib kelgandi. Bunday vaziyatda barcha soha pedagoglaridan o`z predmetiga aloqador holda masalaga kreativ yondoshishni, o`ganilayotgan barcha mavzu obyektlarining huquqiy asosini ham o`rganib borish talab qilinishi lozim.

Mamlakatimiz iqtisodiy hayotida ham yuksak malakali yuristlarga talab ortib bordi. Shuni inobatga olgan holda va iqtisodiy hayotning turli bo`ginlarini o`rta va oliy ma’lumotli yurist kadrlar bilan ta’minlash maqsadida

Mavjud huquqshunoslik kollejlari texnikumlarga yalantirildi, huquqiy ta’lim jarayoniga yanada alohida e’tibor qaratilmoqda.

NATIJALAR

Yuridik ma’lumotli kadrlarning barcha tarmoq tizimlarida ta’minlanishi mamlakatimizning bugungi islohotlari tez orada o`z samarasini berishiga, aholi qatlamlarining roziliklari barobarida xalqimiz farovon turmush darajasining ortishiga xizmat qiladi.

“O‘z burchini bajarishdan mamnun odamgina erkin yashaydi”, – degan edi Sitseron. Burch bilan huquq bir-biriga chambarchas bog‘liq bo‘lib, ularni ayro tasavvur etish qiyin. Chunki huquqini yaxshi bilgan odam burchini ham ado eta oladi. Shu orqali hayotda o‘z o‘rnini topadi, jamiyat uchun xizmat qiladi.

Huquqiy madaniyat rivoji har qanday muammo yechimining asosiy mezonidir. Jamiyatda huquqiy ong, huquqiy madaniyatni yuksaltirish va qonuniylikni mustahkamlashga yo‘naltirilgan targ‘ibotga alohida e’tibor qaratilayotganining asosiy sababi ham shunda.

XULOSA

Yosh avlodda ularning huquqiy tarbiyasiga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi omillarga nisbatan huquqiy immunitetni shakllantirish, har bir shaxsda qonunlarga va odob-axloq qoidalariga hurmat, milliy qadriyatlarga sadoqat, huquqbuzarliklarga nisbatan murosasizlik hissini uyg‘otish bugungi kunda ayniqsa dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Barchamiz, ta’lim muassasalarida, huquqiy ta’lim-tarbiya hamda targ`ibot ishlarida mas’ul xodim va mutaxasislar o`z vazifalarini to`liq va kreativ yondoshgan holda bajarishlarini zamirida islohotlarimiz samarasi turganini his qilmog`imiz lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Doniyev S.I., Ibrakhimov F.A., Joldasov I.S. Trends in the development of primary education (an example of the finnish system of primary education).Innovations in pedagogy psychology. Special issue -2. Toshkent-2020. 392-page.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasidagi nutqi 23.09.2020
3. Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish bo‘yicha tadbirlarni monitoring qilish va baholash to‘g‘risida Nizom. 2019-yil 20-aprel. (https://lex.uz/ru/docs/-4300837)
4. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676.
5. Nasirov Otabek Nazirjanovich. (2020). Formation and Activity of JointStock Commercial Banks in the Turkestan Region (Late XIX - Early XX Centuries). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(6), 1509-1518.
6. Nasirov Otabek Nazirjanovich. (2020). From the History of Consumer Associations in the Turkestan Region (Late XIX - Early XX century). Economics, 3(46), 16-17.
7. Nasirov Otabek., Usmanov Farhod, & Begaliyev Javlonbek. (2020). Order of Creation of Joint-Stock Companies in Turkestan in the Late XIX -Early XX Centuries and Participation of Foreign Capital in It. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(07), 8034-8042.

REFEENCES

1. Doniyev S.I., Ibrakhimov F.A., Joldasov I.S. Trends in the development of primary education (an example of the finnish system of primary

education).Innovations in pedagogy psychology. Special issue -2. Toshkent-2020. 392-page.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasidagi nutqi 23.09.2020
3. Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish bo‘yicha tadbirlarni monitoring qilish va baholash to‘g‘risida Nizom. 2019-yil 20-aprel. (https://lex.uz/ru/docs/-4300837)
4. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676.
5. Nasirov Otabek Nazirjanovich. (2020). Formation and Activity of JointStock Commercial Banks in the Turkestan Region (Late XIX - Early XX Centuries). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(6), 1509-1518.
6. Nasirov Otabek Nazirjanovich. (2020). From the History of Consumer Associations in the Turkestan Region (Late XIX - Early XX century). Economics, 3(46), 16-17.
7. Nasirov Otabek., Usmanov Farhod, & Begaliyev Javlonbek. (2020). Order of Creation of Joint-Stock Companies in Turkestan in the Late XIX -Early XX Centuries and Participation of Foreign Capital in It. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(07), 8034-8042.

CONTENTS

1. Alautdinova, K. (2020). A Clearly Formulated Goal of Entering into Negotiation is Half of the Battle. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 4-10.

2. Boboyorov, B., & Boboyorov, S. (2020). Social and Philosophical Analysis of Approaches of Interethnic Relations. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 11-20.

3. Иброимов, Ш. И., & Болтаев, М. Ж. (2020). Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристик имкониятлари ва улардан фойдаланиш. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 21-26.

4. Қадиров, Қ. А. (2020). Янги Ўзбекистон: ғоявий тарбия тизимига янгича ёндашувлар. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 27-36.

5. Эшқулович, З. М., & Балтабаевич, Б. С. (2020). Диний дунёқарашда интеграллашув муаммоси. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 37-41.

6. Турсинбоев, С. (2020). Ҳаракатлар стратегияси ва 5 ташаббус ёшлар нигоҳида. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 42-47.

7. Рахимов, А. К., Нурметов, Х. С., & Саидова, Д. Б. (2020). Узлуксиз таълим тизимида педагогик таълим инновацион кластернинг роли. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 48-53.

8. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo‘llash. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 54-60.

9. Azimov, A. (2020). Efficiency of Using Polymer and Compositive Materials in the Car Industry. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 61-67.

10. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 68-72.

11. Умиров, И. И., & Ҳамрақулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашиши. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 73-78.

12. Хуррамова, З. Э., & Байметова, Ш. И. (2020). География фанларини ўқитишда замонавий ёндашувни оммалаштириш. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 79-83.

CONTENTS

13. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Барноев, Л. (2020). Транспортни ҳавфсиз бошқариш кўрсаткичларини баҳолаш. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 84-91.

14. Ниёзов, Х. А., Комилов, К. У., Курбонов, Ж. Э., Курбанова, А. Ж., & Мухамедов, Г. И. (2020). Использование фосфогипса для улучшения мелиоративных свойств почвы. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 92-101.

16. Адилов, О. К., Умиров, У. И., & Уразов, Б. А. (2020). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 109-113.

17. Тилавов, Ў. Ғ. (2020). Глобал экологик барқарорликни сақлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 114-121.

18. Сайилов, Б. (2020). Оилада вояга етмаган ёшлар билан ишлашни тизимли ташкил этиш - ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг муҳим омили. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 122-127.

19. Xabibullayev, B. (2020). Konchilik sanoatida quduqlarni (skvajina) burg‘ilash turlari va usullari. yoshlik koni uchun maqbul burg‘ilash dastgohini tanlash. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 128-134.

20. Boysariyev, M. (2020). Overview of the History of the Azerbaijani Diaspora in Uzbekistan. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 135-140.

21. Душаев, А. Ж. (2020). Дахлдорлик туйғуси ва шахс маънавий қиёфаси. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 141-151.

22. Saidkulov, N. (2020). The Impact of the Reforms on the Political Culture of Youth. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 152-156.

23. Пардаев, Б. (2020). Плотин дунёқарашида борлиқ масалаларининг муҳокамаси. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 157-165.

24. Berdiyeva, D. T., & Abdullayeva, M. M. (2020). Studying Hormonal Changes during Training in Athletes. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 166-172.

25. Қўйлиев, Т. (2020). Экологик муаммолар ва маънавият. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 173-179.

26. Taukebayeva, E. S., Zhumabekov, M. U., Saparov, B. B., & Khaytmetov, R. K. (2020). Understanding State Failures in the Central Asian Region. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 180-188.

27. Otaboyeva, M. R. (2020). The Phenomenon of Graduonymy in Action Lexemes at Grammatical Level. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 189-194.

28. Шеров, М. Б. (2020). Креатив тафаккур ҳақидаги фалсафий қарашлар эволюцияси. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 195-201.

29. Исмайилов, А. З. (2020). Демократик фуқаролик жамияти ва унда ҳуқуқий онгни билишнинг ижтимоий-фалсафий диалектик асослари. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 202-210.

30. Kakhramonov, J. B. (2020). The Role of Intelligence in Second Language Learning. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 211-220.

31. Daukeyeva, N. A., & Turgunova, S. O. (2020). Geometriya fanini o'qitishda kompetentlikka oid masalalarning ahamiyati. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 221-228.

32. Burieva, R. (2020). The Effectiveness of Teaching Writing to the Students with the Technique "Rewards and Positive Reinforcement". *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 229-232.

33. Umarov, F. Y., Nutfulloyev, G. S., Nazarov, Z. S., Fathiddinov, A. U., & Riskulova, S. B. (2020). The Development of Innovative Technology of Drilling and Blasring Operations by Borehole Explosive Charges of Directed Action of Detonation Products Using the Cumulative Effect. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 233-243.

34. Mamutova, Y., & Maulenbergenova, B. (2020). Обучение студентов высших учебных заведений культуре страны изучаемого иностранного языка. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 244-251.

35. Рамазонов, Б. Р. (2020). Орол денгизи қуришининг тупроқ қопламига таъсири. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 252-261.

36. Badalova, S. I., Komilov, Q. U., & Kurbanova, A. J. (2020). Case Technology in Chemistry Lessons. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 262-265.

37. Badalova, S. I., Komilov, Q. U., & Kurbanova, A. J. (2020). Intellectual Training of Students of Technical Institute. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 266-274.

38. Каримжонов, А. (2020). Кор бо лексика дар синфҳои ибтидоӣ. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 275-282.

39. Рамазонов, Б. Р. (2020). Орол бўйи ҳудудлари ўсимлик қопламининг қисқача тавсифи. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 283-290.

40. Холиқова, М. А., & Матниязова, Ҳ. Х. (2020). Асосий экин сифатида экилган айрим маҳаллий ва хорижий соя навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 291-296.

41. Zairova, N., & Reymova, A. (2020). Teaching English as a Second Foreign Language. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 297-303.

42. Mansurov, U. J. (2020). Ali shariatiy diniy-falsafiy ta'limotining markazida inson muammosi. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 304-313.

43. Маткаримов, Ф. И., Бабоев, С. К., Тохирбооева, Д. У., & Холлиев, О. Э. (2020). Влияние биопрепаратов на урожайность бобовых культур. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 314-323.

44. Турсунов, Р. Б. (2020). Таълимда ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш тенденциялари. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 324-331.

45. Қудратов, С. (2020). Ал-афғоний ва маслакдошларининг жамиятни ислох қилишдаги қўшган хиссалари. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 332-338.

46. Худойқулов, Ж. (2020). "Танқидий тафаккур" тушунчаси ва унинг таълим жараёнидаги роли. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 339-347.

47. G'afforov, K. B. (2020). diniy bag'rikenglikni ta'minlash – harakatlar strategiyasining asosiy maqsadlaridan biridir. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 348-352.

48. Salixov, J. (2020). Harakatlar strategiyasi va milliy ta'lim tizimi muammolari. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 353-357.

49. Shaykhislamov, N. Z., & Makhmudov, K. S. (2020). Linguistics and Its Modern Types. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 358-361.

50. Ibrohimov, F. A. (2020). Ta'lim muassasalarida huquqiy ta'lim-tarbiyaning zarurati. *Academic Research in Educational Sciences, 1*(1), 362-367.